O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

УШБУ СОНДА:
ТАФОВУТНИНГ БОИСИ НИМА? 2
СЎНГГИ ПУШАЙМОНЛИК... 3
МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК: ТАЛАБ ВА ЗАРУРАТ
АДОЛАТ ТАРОЗУСИ 4



**MEZON:**

**Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя этишга ёки унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.**

**10-модда.**

**Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади.**

**11-модда.**

**"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИДАН**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 37 (393)
2004 йил 28 сентябр
сешанба

Сотувда эркин нархда

# КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР БУРЧ



***Демократик тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар олдида шундай вазифа кўндаланг: халқ ўзи сайлаган вакилларига улар жамият хизматида эканини бот-бот эслатиб туриш имкониятига эга бўлсин! Шу нуқтаи назардан ёндашганда, жамиятда сайловларнинг аҳамияти беқиёс. Замонавий дунёда эркин ва очиқ сайловларнинг вақти-вақти билан ўтказиб турилиши жамиятда демократик тамойиллар қарор топаётгани ёки қарор топганидан дарак беради.***

Бинобарин, сиёсатшунослик фанида шундай қараш мавжуд: сайлов ўтадиган куни сайловчи давлат ҳокимиятини бошқаришда тўғридан-тўғри иштирок этади.

Хуллас, адолатли ва очиқ сайловларни қонунга мувофиқ ўз вақтида ўтказиб туриш тараққиёт шарти ҳисобланади. Зотан, ҳалқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи бўлгани боис у сайланиши ва сайлаши зарур.

Ривожланган демократик мамлакатларда давлат амалдорларига жамоат хизматчиси дея муносабатда бўлинади. Яъни сайловчилар ўз ваколатларини вакиллар ва сайланган амалдорларга беради. Ўз навбатида халқдан ваколат олган бу шахс, аввало, сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг орзу-интилишларини ифода этади ва шу орқали халқ хизматчисига айланади. Мамлакатимизда ҳам шундай муҳит ва дунёқарашни шакллантириш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Қолаверса, маъмурий жабҳада кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар ҳам жамоатчилик назоратини қарор топтиришга йўналтирилган.

Бу йил мамлакатимизда илк бор икки палатали парламентга ўтадиган сайловларни умумэътироф этган тамойилларга хос ва демократик руҳда ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда десак, муболаға эмас. Шу мақсадда миллий сайлов тизими ва қонунчиликка бир нечта муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилдики, бу сайловда ғалаба учун курашувчилар (энди фақат сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатликка номзод кўрсатиши мумкин) ўртасида тенг рақобат муҳитини қарор топтиргани билан барча сиёсий партия вакилларини мамнун этмоқда. Зеро, дунё тажрибасининг кўрсатишича, сайловда ғалаба қозониш кўп жиҳатдан амалдаги сайлов тизими ва қонунчиликка боғлиқ.

Хўш, бу янгиликлар нималардан иборат?

Дастлабки ўзгариш шундан иборатки, бу йилги сайловларда ҳокимият вакиллик идоралари депутатликка номзод кўрсатмайди. Бу эса сайловда соф рақобат муҳитини яратади.

Ўзгаришларнинг кейингиси сайловчиларнинг 33 фоизи иштирок этса бас, сайлов ўтган деб ҳисобланишида ўз аксини топган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, энди "сайловчиларнинг мутлоқ фаоллиги" муҳим аҳамиятга эга эмас. Бу билан бурунги сайловларда учрагани каби бутун оила номидан бир киши сайловда иштирок этиб, бир неча бюллетен тўлдириши ҳолатларига чек қўйилади ва пировардида Конституциямиздаги *"ҳар бир сайловчи бир овозга эга"*, дея қайд этилган меъёр амалда кафолатланади.

Энг муҳим янгилик эса **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилинганидир. Ушбу қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг сайловолди жараёнидаги фаолияти ва тарғибот-ташвиқот иши давлат томонидан молиялаштирилади. Натижада сайлов чоғида сиёсий партиялар молиявий имкониятларини кўз-кўз қила олмайди ва сайловчи партиянинг ортидан унинг мақсади ва дастурига қараб эргашади.

Сиёсий партияларга ажратиладиган маблағ сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилиш, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаолларининг ишини ташкил этиш сингари сайлов компаниясини ўтказишга доир тадбирларга сарфланиши лозим.

Агар сиёсий партия сайлов якунига кўра, қуйи палатада фракция тузиш учун етарли ўрин ола олмаса (фракция тузиш учун бир сиёсий партиядан кўрсатилган номзодларнинг камида 9 нафари сайланган бўлиши керак), у ҳолда давлат маблағлари мазкур партиянинг бошқа манбаларидан олган маблағлари ҳисобидан давлат бюджетига қайтарилиши лозим. Агар сиёсий партия сайловда фракция тузиш даражасида муваффақиятли иштирок этишига кўзи етмаса ёки молиявий имкониятлари сайлов жараёнини ташкил этишга етарли бўлса, у ҳолда ўз ихтиёрига биноан давлатдан маблағ олмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги қонунга ҳам тўртта ўзгартиш ва қўшимча киритилди. Улардан бирида баён этилишича, сиёсий партия кўрсатган депутатликка номзодлар жами сонининг 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шарт. Бу юртимизда аёлларнинг фаоллигини ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатининг амалдаги намойишидир.

Амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ, парламентга сайловларда сиёсий партиялар билан бирга сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳам депутатликка номзод кўрсатиши мумкин. Ташаббускор гуруҳ тузиш учун аввал 100 нафар сайловчи тўпланиши зарур бўлган бўлса, энди 300 нафар сайловчи якдил фикрга келиб, ана шундай гуруҳ тузиши мумкин.

Барча эътироф этаётганидек, демократия доимий ва адолатли сайловлар ўтказишни, қарорлар онгли равишда очиқ, муҳокама ва мунозаралар йўли билан қабул қилинишини талаб этади. Онгли равишда қарорлар қабул қилиш ва уларни онгли равишда бажариш учун фикрлар ва ахборот бобида эркин алмашув бўлиши зарур. Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситаларида тўғри ташвиқот юритишга жиддий эътибор қаратилаётгани ва Марказий сайлов Комиссиясининг Матбуот Маркази ташкил этилгани катта аҳамиятга эга.

Зеро, ушбу кенг кўламли сиёсий жараён ҳар бир нашр, телерадиоканал зиммасига улкан масъулият юклайди. Чунончи, ОАВда сиёсий партияларнинг чиқиши учун бир хил вақт ва ҳажмда имконият берилиши қонунчиликда белгиланган энг адолатли меъёрдир. Аккредитациядан ўтган журналистларнинг нафақат сайлов жараёнини ёритиши, балки кузатувчи сифатида ҳам қатнашиши ҳам эътиборга молик янгиликлар сирасига киради.

Хуллас, мамлакатимизда бўлажак сайловларни умумэътироф этган тамойилларга мос ва хос ўтказишга ҳаракат қилинмоқда.

Фуқароларни бўлажак сайловларга масъулият билан ёндашишга ундовчи омил шундаки, Қонунчилик палатаси қай тарзда шаклланса, давлат ҳокимиятининг бошқа тузилмалари — ижро этувчи тизим ҳам, суд тизими ҳам шундай шаклланади. Чунки бу икки тизимни биз сайлаган вакиллар ҳаракатга келтиради. Бу эса сайловчиларнинг онгли фаоллиги мамлакатимизда давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини қарор топтириш борасида муҳим қадам вазифасини ўтайди, деган хулосага келишимизга асос бўлади.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

# ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТДИР...

**Qonun dastagi**

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, "Toshvil-invest" масъулияти чекланган жамияти Тошкент вилоятида рўйхатдан ўтган ягона молия инвестиция компанияси ҳисобланади. Компания бюджет маблағлари жалб этилмаган ҳолда "Inter concepts Lnc" (АҚШ) компанияси инвестициялари билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, у асосан қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритади.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъекти сифатида 2002 йилдан иш юрита бошлаган компания қимматбаҳо қоғозлар бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга.

Бироқ кейинчалик компания ишига айрим сунъий тўсиқлар халақит бера бошлади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган иш режасига асосан Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасининг шу йил 6 январдаги 006-сонли ва Тошкент тумани ДСИ бошлиғининг 2004 йил 6 январдаги 03-сонли буйруғи асосида Тошкент туманида жойлашган "Toshvil-invest" масъулияти чекланган жамияти компаниясининг 2002 йил иш фаолияти мобайнида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширилиши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилди.

Текшириш якуни бўйича шу йил 20 январ куни тузилган далолатномада компания ягона солиқ тўловчи ҳисобланиши ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилингани қайд этилиши билан бирга 2002 йил давомида кўрсатилган хизматларга ҳисоб-варақлари расмийлаштирилмагани аниқланди. 2002 йилдаги иш фаолиятида октябр, ноябр, декабр ойларида 516 та ҳисоб варақ фактуралар 1120,0 сўмга расмийлаштирилмагани, лекин кўрсатилган хизматларга банк тўлов қоғозлари орқали иш юритилгани ва 2002 йилда ишчи-хизматчилар даромад солиғидан 92,9 минг сўм қўшимча ҳисоблангани аниқлангани қайд этилган.

Далолатномадаги 6 та ҳисоб варақ фактуралар ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлар тақдим этилмагани учун Тошкент тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг шу йил 10 февралдаги қарорига кўра, компанияга 272.100 сўм ва ишчи-хизматчилар даромад солиғидан 92,9 минг сўм қўшимча ҳисобланган, ўз вақтида ҳисоботни тақдим этмагани ҳамда ҳисобланган солиқни ўз вақтида тўламагани учун 127.500 сўм — жами 399.600 сўм молиявий жарима жазоси қўлланилган.

Компаниянинг собиқ бош директори, иқтисод фанлари номзоди У.Абдулҳаков текшириш вақтида йўл қўйилган камчиликлар, тузилган далолатномадаги қонунбузарликлар тўғрисида зудлик билан туман, вилоят ва Республика Давлат солиқ идораларига мурожаат этади.

Афсуски, унинг ҳақли эътирозларига ҳеч ким етарли эътибор бермади.

Аслида тадбиркорнинг сўзларига қулоқ соладиган раҳбар топилганда эди, қарийб 9 ой давом этган ёз-ёзлар, текшир-текширлар, тақдимномаларга ҳожат қолмаган бўларди.

Бунинг ўрнига "сен зўрми ёки мен?" қабилидаги "ўйин"лар бошланди.

Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Чунки бусиз ҳам боши қотган Тошкент тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ғ.Тошмуҳаммедов юз берган мураккаб вазиятда хатога йўл қўймаслик учун қаерга мурожаат қилмасин, саволи ўзига тўқмоқ бўлиб қайтаверди.

Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун 2004 йил 18 майда Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси раҳбариятидан унинг номига 14-2348-рақами билан юборилган хатни диққатингизга ҳавола қилайлик:

«Солиқ кодекси ҳамда **"Солиқ хизмати тўғрисида"**ги қонун, Давлат солиқ қўмитасининг 11.09.2000 йилдаги 290-сонли ва 20.04.2004 йилдаги 118-сонли буйруқларига асосан солиқ идораси раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан 5 кун муддатда ўтказилган текширув ҳужжатларини кўриб чиқиб, молиявий жарималарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сизга бошқарма томонидан 3 май куни Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 7 апрелда «Молиявий жарималарни қўллаш ҳақида»ги хатини 5 кун муддатда ижро учун юборган эди. Лекин ушбу хат шу кунгача ижро қилинмаган. Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси Сизнинг текширув натижаси бўйича молиявий жарималарни қўллаш юзасидан амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаатингиз бўйича Солиқ кодекси ҳамда **"Солиқ хизмати тўғрисида"**ги қонунга асосланиш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Ушбу ҳолат инспекцияда юқоридаги қонунларни ўрганиш яхши йўлга қўйилмаганидан далолат беради».

***(Давоми иккинчи бетда)***

***Жорий йилнинг 9-10 сентябр кунлари бўлиб ўтган Адлия вазирлиги Ҳайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тадбиркорлик, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид қонунчилик талабларининг ижроси бўйича ўтказилган ўрганишлар натижаси муҳокама этилди.***

***Ҳайъат мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳақиқий аҳвол, тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имконият ва шарт-шароит, шартнома интизомига риоя этилиши, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросига танқидий баҳо берилиб, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.***

***Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармаларининг фаолиятлари юзасидан Адлия вазирининг алоҳида буйруқлари чиқарилди.***

***Қуйида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолияти юзасидан қабул қилинган Адлия вазирининг буйруғи чоп этилмоқда.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**2004 йил 10 сентябр** *162-ум*-**сон** **Тошкент шаҳри**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан 2001-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тадбиркор ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда айрим идора ва ташкилотлар фаолиятида кўплаб қонунбузилишлар содир этилганлиги аниқланган эди.

2004 йилда ҳам вазирлик ишчи гуруҳи томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги турли идора ва ташкилотларда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари давом этиб келаётганлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, улардан солиқ ундириш, маъмурий жавобгарликка тортиш, улар фаолиятини текшириш, тадбиркорлик субъектларига банклар томонидан кредитлар ажратиш ҳамда шартнома мажбуриятларини бажаришда бир қанча муаммолар мавжуд.

Ушбу ҳолатларни Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган тадбиркорлар ҳам кўрсатиб ўтишган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан 2004 йилда ўтказилган ўрганишда Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳокимлик ва бошқа идораларда 10459 та қонунбузилиш ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди. Хусусан, 1338 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, 261 та ҳолатда лицензия ва рухсатномалар олиш, 676 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларини маъмурий жавобгарликка тортиш, 203 та ҳолатда тижорат банклари томонидан кредит ажратиш ва 275 та ҳолатда солиққа оид, 268 та тадбиркорлик субъектларининг маблағларини ноқонуний жалб этиш каби қонунбузилишлар содир этилганлиги аниқланди.

***(Давоми иккинчи бетда)***

**Ajab savdolar**

***Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тараққиёти учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, фермер ўз фаолиятини юритишда маблағ тарафдан тақчиллик сезса, бемалол банкдан кредит олиши мумкин.***

***Энг асосийси, банкдан кредит олиш, ундан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бироқ бунга қарамай бу борада айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳам учрайди.***

Оддий кунларнинг бирида "Рамазон" фермер хўжалигининг бошлиғи Ҳошимжон ота Қобиловнинг кўчасида ҳам байрам бўлди. Унинг "Пахтабанк"нинг Марҳамат тумани бўлимига трактор сотиб олиш учун 5 миллион сўм кредит сўраб ёзган аризаси инобатга олиниб, кредит бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Шундан фермернинг қувончи ичига сиғмасди. Буни қарангки, банкнинг ҳам бу борадаги қарори қатъий экан, орадан кўп ўтмай "Рамазон" фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига 5 миллион сўм келиб тушди. Бироқ қизиқ томони шундаки, фермер хўжалигининг бошлиғи Ҳошимжон ота буни билиб улгурмади...

Қандай қилиб дейсизми?!

Унда қулоқ тутинг.

— Банкнинг кредит бўлими бошлиғи Ғуломжон Умурзоқов уйимга келиб, учта қоғозни қўлимга тутқазиб, имзо қўйиб, муҳр босиб беришимни сўради. Андижонга кетаётганини, шу ҳужжатларни олиб бориб, менга ажратилган 5 миллион сўм пулни ундириб келишини айтди. Мен унинг айтганини қилиб, бўш бланкага имзо қўйиб, муҳр босиб бердим, – дейди Ҳошимжон ота. — У ҳужжатларни олиб кетди. Орадан анча вақт ўтди, лекин пулдан дарак йўқ...

Шундан сўнг фермер кредит орқасидан қувиб, банкка — Ғуломжоннинг олдига сарсон-саргардон бўлиб қатнай бошлади. Келаверди-кетаверди, банк ходими эса ваъда беришдан чарчамади.

***(Давоми учинчи бетда)***

# ҚОҒОЗДАГИ ФИРИБГАРЛИК

**Tahlil**

# ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жамиятни эркинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, одамларнинг судларга фақат жазоловчи идора эмас, балки аввало ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи идора деб қарашига эришишни тақозо этади. Эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ идоралари томонидан бу вазифа босқичма-босқич амалга оширилмоқда.***

Шўро замонида фуқаролар суд ҳокимиятини фақат жазоловчи маҳкама сифатида билишган. Истиқлол йилларида ана шу ақидага барҳам берилди. Бу борада судларнинг ихтисослаштирилгани ҳам эътиборга молик бўлди. Ушбу тадбир ишларни пухта ўрганиш, қонуний ва адолатли қарор ҳамда ҳукмлар чиқаришга кенг имкониятлар яратди. Тайинланган жазо ёки чиқарилган қарор ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатли бўлиши шарт. Шундагина суднинг хулосаси фуқаролар томонидан эътироф этилади ва барчага бирдай тушунарли бўлади.

Мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш мақсадида ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби ҳам жорий этилди. Бу дастлабки суддлов жараёнларида учраб турадиган айрим хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд ишини юритишда турли сансоларликларга йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлди. Янги қонунга мувофиқ апелляция инстанцияси энди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақли.

Шу билан бирга ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори судлардаги кассация инстанцияларида кўриб чиқиш тартиби ҳам ислоҳ қилинди. Фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси судининг мажлисида ҳимоя қилиш имконига эга бўлди. Бунда ҳимоя билан айблов ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди.

***(Давоми учинчи бетда)***

**Saylov qonunchiligi**

# САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

**УЧИНЧИ МУЛОҚОТ**



**САВОЛ: Бирор-бир сабаб билан сайловга келолмаган ёки сайлов куни яшаш жойида бўлмаган фуқаро қандай тартибда овоз бериши мумкин?**

**ЖАВОБ:** *Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.*

*Баъзи сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.*

**САВОЛ: Депутат бўлиш учун қанча овоз тўплаш талаб қилинади?**

**ЖАВОБ:** Овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган депутатликка номзод депутат этиб сайланган деб ҳисобланади.

***(Давоми учинчи бетда)***

**_Кимки ерни севса, уни ардоқласа, асло кам бўлмайди. Шу сабабли халқимиз орасида “Ери бойнинг — эли бой”, “Сен ерни ер қилсанг, ер сени шер қилади” каби нақллар мавжуд._**

# ТАФОВУТНИНГ БОИСИ НИМА?

Bugunning gapi



Ана шундай ақидаларга амал қилган фермерларнинг довруғи кун сайин ошиб бораяпти. Хатирчи туманида айни пайтда 1128 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Уларга 15460 гектар суғориладиган ва 8300 гектар лалмикор ерлар ажратиб берилган. Тумандаги асосий ер майдонларига эгалик қилаётган деҳқон-фермер хўжаликлари жорий йилда 29374 тонна сара дон етиштириб, ҳар гектар суғориладиган ердан 51,3 центнердан ҳосил олишди. Қаҳрамон Ҳакимов раҳбарлигидаги “Тошботир бобо” фермер хўжалиги ихтиёрида 74 гектар ер бор. Шунинг 25 гектарига ғалла экди ва гектаридан 70 центнердан ҳосил олди. Давлатга 50 тонна дон сотди. Ўзларигаям 50 тонна дон қолди. Шу йил фақат ғалланинг ўзидан 10 миллион сўмдан зиёд даромад қилишди.

Шу кунларда хўжаликда мавжуд 41 гектар майдонда қийғос очилган пахта ҳосили йиғиб-териб олинаяпти. Фермер ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш, давлатга 160 тоннадан ортиқ пахта хомашёсини топшириш ва йилни 22 миллион сўмлик соф фойда билан якунлашни мўлжаллаяпти.

Энг асосийси, фермер хўжалигининг техник базаси бақувват. Ҳозирда хўжаликда “ТТЗ-80”, “Т-4”, “Т-28” русумли тракторлар, “Енисей” русумли комбайн ишлаб турибди. Хўжалик шу йилги фойда ҳисобидан яна битта комбайнни лизинг шартномаси асосида сотиб олмоқчи. Ана шунда етиштирилган ғаллани нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиштириб олиш билан бирга қўшни фермерларга ҳам арзон баҳода хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Чиндан ҳам, ишнинг кўзини, ернинг тилини пухта билган тажрибали фермер икки йил ичида техника сонини 10 тага етказди. Бу иш унумини ошириш билан бирга қўшимча даромад манбаи яратаяпти. Хўжаликда 30 нафар ишчи доимий меҳнат қилиб, ойлик маош ва мукофот пулларини узлуксиз олаётир.

Қаҳрамон Ҳакимов кам таъминланган, ногирон инсонларга ёрдам беришни ҳам унутмаяпти. Хусусан, қишлоқдаги қурилишларни таъмирлаш ҳамда тиклаш учун маблағ ажратди. Ўтган йили фермер ўзи ўқиган 74-мактабнинг 20 нафар энг аълочи ўқувчиларига стипендия ташкил этди.

Шоли курмаксиз бўлмаганидек, фермерлар орасида ернинг умрини зое кетказиб, ҳаммадан дакки еб юрганлариям учраб турибди. Ана шуларнинг бири “Халқобод” фермер хўжалигидир. Унга Раҳимқул Муҳаммадиев раҳбарлик қилади. Бу йил улар 30 гектар лалми ва 6 гектар суғориладиган ерга ғалла уруғи экишди-ю, аммо ундан бир килограмм ҳам ҳосил олишмади.

– Бунинг асосий сабаби сув тақчиллигидан, — дейди фермер хўжалиги раиси Р.Муҳаммадиев. — Чунки еримиз даштда жойлашган, экинлари суғоришнинг иложи бўлмади. Бор ҳосилимиз май ойидаги иссиқда тўкилиб кетди...

“Мулла Карим Маҳкамов” фермер хўжалиги ҳам давлатга дон топширмаганлар қаторидан ўрин олган. Фермер хўжалиги раиси Карим Маҳкамов кўпни кўрган, нафақа ёшига етиб қолган, хўжаликда узоқ йиллар ҳосилот бўлиб ишлаган тажрибали деҳқон. У кишидан бу ҳолнинг сабабини сўрадик.

— Фермер бўлиш осон эмас экан, — дея вазминлик билан сўз бошлади Карим ака. — Аввало фермернинг бели бақувват бўлиши, ерларни ҳайдаш ва ишлов бериш учун техникалари бўлиши керак. Бизда эса унисиям, бунисиям йўқ. Оқибатда вақтида ғаллани эка олмадик ва режадаги 11,5 тонна дон маҳсулоти етиштирилмай қолди. Шу боис “Навоийдонмаҳсулотлари” корхонасидан 355 минг сўм қарздормиз. Энди бутун умидимиз пахтадан. 16 гектарлик майдоннинг ҳаммасига чигит экдик. Агар пахтадан мўл ҳосил олсак, айбимизни ювамиз...

Тумандаги “Озод Диёра”, “Мамат Жўраев”, “Бувиҳол”, “Алишер-21” фермер хўжаликлари ҳам дон топшириш бўйича контрактация шартномаларини бажара олишмади. Хатирчи тумани ҳокимлиги ғалла сотиш шартномавий режасини умуман бажармаган хўжаликларига нисбатан қонуний чора кўриш ҳақида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд келтирилган зарарни ундириш ва ерга нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашган 6 та фермер хўжалиги ерини қайтариб олиш ҳақида қарор чиқарди.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларининг иш юритиши қулай бўлиши учун ҳамма тўсиқлар олиб ташланди. Ҳатто бу борадаги қонун-қоидалар ҳам соддалаштирилди. Фермерлар билан суҳбатда улар сувни, табиий офатни баҳона қилишди. Лекин баҳона билан иш битмайди-ку?

Ахир, экин майдонини сув, ўғит ва техникалар билан таъминлаш, қолаверса, табиий офатнинг олдини олиш фермернинг вазифаси эмасми? Қачонгача “олма пиш...” деб осмонга қараб ўтиришар экан? Ушбу ҳолатга Хатирчи туманидаги мутасадди идоралар тегишли баҳо бериши, бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги чораларини кўриши зарур.

**Ёркул УМАРОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

Huquqiy savodxonlik

# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

## УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

**Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади. Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш Меҳнат Кодексининг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106-моддалари ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда бўлиши талаб қилинади.**

**Хусусан, ходимнинг касаллиги, ногиронлиги, нафақага чиқиши, олий ёки ўрта махсус ўқув юрти ёхуд аспирантурага қабул қилиниши ва бошқа сабаблар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда айнан кўрсатилади. Меҳнат Кодексининг 107-108-моддаларига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси берилиши шарт.**

**Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда ходимга иш ҳақи, унинг миқдори хусусида низо бўлмаса; меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар ишлаётган ёки меҳнат шартномаси бекор қилинган куни; 2) Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ишламаётган ходимга ҳисоб-китоб қилиш талаб этилган куни тўланиши керак.**

**Шунингдек, меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда эса унга тегишли иш ҳақи ва унинг миқдори хусусида низо бўлмаса, қонун бўйича ёки шартномага мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида ходим ишни ташлаб кетишга ҳақли бўлган кундан кечиктирмасдан иш берувчини огоҳлантириши шарт;**

**Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 100-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимга тегишли ҳақнинг миқдори юзасидан низо чиққан тақдирда, ходимга тегадиган суммани ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган муддатларда тўланиши шарт.**

**Демак, меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш ҳам нозик масала бўлиб, ушбу ҳолатни қонунга мувофиқ равишда амалга ошириш фуқароларнинг қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари кафолатини таъминлайди.**

**Қаҳрамон ЭШОНҚУЛОВ**

Taajjub

# ЛАФЗСИЗЛИК

Ҳали туғилмаган бузоқ учун ҳақ олган подачи ҳақида эшитганмисиз? Аттанг, бу ҳангомани “Жўлибой ота” фермер хўжалиги раҳбари ҳам эшитмаган экан. Шу боис “Қишлоқхўжаликкимё”нинг Мирзаобод тумани филиали маъмурияти қилиғи ўша подачининг қилмишидан фарқ қилмаслигини кўриб, у лол қолди.

Ўтган йили туман филиали ва фермер хўжалиги ўртасида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига минерал ўғит, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини етказиб бериш, уларга агрокимёвий хизмат кўрсатиш” бўйича шартнома тузилганди. Хўжалик шу бўйича филиал ҳисобига 359619 сўм пул маблағи ўтказиб берди. Бироқ йил давомида филиалдагилар ўғит етказиб бериш тугул агрокимёвий хизмат кўрсатиш чорасини ҳам кўрмади.

“Ие, бу ёғи қизиқ бўлди-ку”, деб фермер филиалга борса, пули бу йил ҳам унинг ҳисобида турган экан. Уни қайтариб беришни исташмади. Натижада фермер судига мурожаат этди.

Суд жавобгардан 359619 сўм асосий қарз, давлат божи ва суд харажатларини ундириб олишни лозим деб топди.

Қизиқ, ҳақини олгандан кейин хизматига чидамайсизми, унда пулини нега олдингиз, дейдиган киши йўқ.

**А.АБДУЛЛАЕВ**

Shartnoma qonunchiligi

***2002 йилнинг 29 декабр куни Наманган шаҳридаги “Наманганагромаш” акциядорлик жамияти негизида Ўзбекистон-Чехия “Ўзсинектанасосмаш” қўшма корхонаси таъсис этилган эди. Ўтган давр мобайнида қўшма корхона ҳаётида талайгина ижобий ишлар амалга оширилди. Эскириб, ўз умрини ўтаб бўлган дастгоҳлар янгиларига алмаштирилди. Натижада ишлаб чиқаришда олдинга силжиш сезилди. Секин-аста меҳнат муваффақиятлари кўзга ташлана борди.***



# ДАЪВО ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Ўтган йилдан бошлаб эса “Ўзсинектанасосмаш” қўшма корхонаси Наманган вилоятидаги бир қатор туман машина трактор паркларини эҳтиёт қисмлар билан таъминлай бошлади. Бундан нафақат қўшма корхонанинг ишчи-хизматчилари, балки далада меҳнат қилаётган деҳқонлар ҳам манфаат кўрди.

Халқимизнинг “ҳисобли дўст айрилмас” деган ҳикматли сўзига амал қилган қўшма корхонанинг мутасадди раҳбарлари ҳар бир харидор билан алоҳида-алоҳида икки тарафлама манфаатли шартнома тузишганди. Қўшма корхона ишчи-хизматчилари шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини белгиланган муддатларда бажаришди. Бироқ шартнома шартларига амал қилиш харидорлар томонидан қўпол равишда бузилди. Қўшма корхонадан Чортоқ, Мингбулоқ, Поп, Уйчи, Норин ҳамда Чуст туманларидаги машина трактор паркларининг дебиторлик қарзлари 16613699 сўмни ташкил этади. Мана, орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Лекин харидорлар ўз гарданларидаги қарзларини ўзиш йўлларини ўйлаб ҳам кўришгани йўқ. Жумладан, қўшма корхона ўтган 2003 йилнинг 3 январ куни Чортоқ тумани машина трактор парки билан қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлари етказиб бериш ҳақидаги 7-сонли икки тарафлама манфаатли шартномага имзо чекишганди. Шартнома шартларига кўра, қўшма корхона ўтган йилнинг 15 апрел куни чортоқликларга 1.288.700 сўмлик, 4 сентябр куни эса 7-сонли ҳисоб-варақа орқали 783.300 сўмлик, 15 декабр куни 23-сонли ҳисоб варақа орқали 455750 сўмлик — жами 2527750 сўмлик эҳтиёт қисмларини етказиб берган.

Икки тарафлама имзоланган шартноманинг 23-бандига кўра, харидор олинган маҳсулотнинг қийматини 90 кун ичида қўшма корхонанинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши қайд этилган. Афсуски, Чортоқ туман машина трактор паркининг мутасадди раҳбарлари шартноманинг мана шу бандига етарли аҳамият беришмади. Улар қўшма корхона томонидан олинган эҳтиёт қисмлар учун ўтган йилнинг 29 октябр куни 237500 сўмлик қарзларини тўлашди. Шу йилнинг 24 феврал куни эса 21-сонли тўлов талабномаси билан аранг 500000 сўм маблағ сотувчининг ҳисоб рақамига келиб тушди. Қўшма корхона раҳбарлари бир неча бор Чортоқ туман машина трактор паркининг мутасадди раҳбарларига мурожаат этишди. Бироқ бу борадаги барча саъй-ҳаракатлар бесамар кетаверди. Натижада жорий йилнинг 14 июн куни сотувчи ва харидор ўртасида солиштирма далолатнома тузилди. Қўшма корхонанинг Чортоқ тумани машина трактор паркидан 1.790750 сўмлик ҳақи борлиги эканлиги ҳужжатларда ўз аксини топди. Икки тарафлама имзоланган 7-сонли шартноманинг 4.1.-бандида шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаган айбдор томон тўланмаган қийматнинг 15 фоиз миқдорида ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 0.5 фоиз миқдорида устама тўлаши кўрсатилган. Демак, Чортоқ тумани машина трактор парки шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармай, 1.790750 сўмни тўлашдан бўйин товлаган. Қўшма корхона фойдасига асосий қарздан ташқари тўланмаган маблағнинг 15 фоизи миқдори 268537 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, тўлов маблағини тўлашни кечиктиргани учун 805590 сўм устама тўлаши лозим.

Наманган вилояти адлия бошқармаси “Ўзсинектанасосмаш” қўшма корхонаси манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритган эди. Яқинда мазкур даъво ариза вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилди ва қаноатлантирилди.

Шунингдек, вилоят хўжалик суд мажлисида Мингбулоқ, Поп, Уйчи, Норин ҳамда Чуст туманларидаги машина трактор паркларининг мутасадди раҳбарлари ҳам жавобгар сифатида иштирок этишди. Улар “Ўзсинектанасосмаш” қўшма корхонасига 18326366 сўм тўлайдиган бўлишди.

Ҳозирги пайтда чет эл инвесторларини мамлакатимиздаги мавжуд саноат ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этиш ва ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Афсуски, баён этилгани каби ҳолатлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантирилишига тўғаноқ бўлаётир. Баъзи бир ҳолатларда эса саноат корхоналарининг банкрот бўлишига олиб келмоқда. Бунинг олдини олиш мамлакатимиз иқтисодини юксалтиришга хизмат қилади.

**Баҳромжон АЛИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Qonun dastagi

# ВАКОЛАТ МАСЪУЛИЯТДИР...

***(Давоми.***
***Боши биринчи бетда)***

**Юқоридаги ҳолатлар қайтарилган тақдирда Сизга нисбатан тегишли чоралар кўрилади”.**

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасидан туман инспекциясига юборилган 14-2088-рақамли хатда эса **“Toshvil-invest” масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширув бўйича “Солиқларни ундириш ва молиявий жазоларни қўллаш ҳақида”** қўшимча қарор чиқариш топширилгани маълум қилинади.

Биз шу ўринда кимнидир ҳақ, кимнидир ноҳақ демоқчи эмасмиз. Бу ёғи энди ўзингизга ҳавола.

Хуллас, ўзини ҳақлигини исботлашга астойдил киришган “Toshvil-invest” масъулияти чекланган жамиятининг ўша пайтдаги бош директори У.Абдулҳақов Адлия вазирлигига мурожаат этди.

Мазкур ариза билан Тошкент вилояти адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари шуғулланишди ва тадбиркорнинг ҳақ эканини исботлашдилар.

Ўрганиш вақтида “Toshvil-invest” масъулияти чекланган жамияти молия инвестиция компанияси томонидан тақдим қилинган биржадан ташқари қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияни хизматлар кўрсатиш ҳисоб регистрида юридик шахсларга хизмат кўрсатилган 12.11.2002 йил 12/11-Ю сонли, 20.11.2002 йил сонсиз, 21.11.2002 йил сонсиз, 12.12.2002 йил 12/12-Ю -сонли, 16.12.2002 йил 16/12/Ю сонли, 26.12.2002 йил сонсиз ҳисоб-варақ фактуралари борлиги ва рўйхатга олингани аниқланди.

Текшириш вақтида “Toshvil-invest” молия инвестиция компаниясининг бош ҳисобчиси Д.Эргашев юқорида қайд этилган 6 та ҳисоб-варақ фактураларни Тошкент тумани солиқ инспектори Г.Сейтниёзовага тақдим этгани ва Г.Сейтниёзова эса бу ҳужжатларни Тошкент вилояти ДСБнинг катта инспектори Д.Загорняковга топширгани ўз исботини топди.

Аслида вилоят Давлат солиқ бошқармасининг катта инспектори Д.Загорняков компанияга солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилаётган текширувда амалий ёрдам кўрсатиш учун хизмат сафарига юборилган бўлиб, у тақдим қилинган 6 та ҳисобварақ фактураларни номаълум сабабларга кўра яширган. Оқибатда Тошкент тумани ДСИ томонидан “Toshvil-invest” МСНJ молия инвестиция компаниясига 272.100 сўм молиявий жарима жазоси қўлланилган.

Шунингдек, жисмоний шахслар даромадидан ушлаб қолинган маблағдан келиб чиққан хатоликлар туфайли компанияга қўлланилган молиявий жарима 127.500 сўм аслида 70.344 сўмга нотўғри қўлланилгани маълум бўлди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Тошкент тумани ДСИ бошлиғи номига киритилган 2004 йил 2 июлдаги тақдимномага асосан 2004 йил 7 июл куни 23.128.500 сўмлик молиявий жазо тўғрисидаги қўшимча қарор бекор қилинди.

Шунингдек, адлия бошқармасининг Тошкент тумани ДСИ бошлиғи номига киритилган 2004 йил 16 августдаги 1/3018-рақамли тақдимномасига асосан компанияга қўлланилган 272.100 сўмлик молиявий жазо ҳам шу йил 9 сентябрда бекор қилиниб, қарийб 9 ой давом этган қонунбузарликка чек қўйилди. Шу тариқа ҳақ жойида қарор топди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида ваколатли идора ходимлари баён этилгани сингари хатоликларга йўл қўймаслиги учун ўз ишларига ўта масъулият билан ёндашлари лозим. Акс ҳолда панд ейишлари шубҳасиз.

**Рустам ХУДОЙҚУЛОВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

**2004 йил 10 сентябр** *162-ум*-**сон** **Тошкент шаҳри**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

***(Давоми.***
***Боши биринчи бетда)***

Бундан ташқари, «Ўзпахтасаноат», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзқишлоқхўжаликкимё», «Ўзагромашсервис» ҳамда «Ёғмойтамакисаноат» тизимига кирувчи Республика корхона ва ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартнома шартларини ўз вақтида бажармаслик, оила пудратчиларининг иш ҳақлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китобларни амалга оширмаслик, уларга асоссиз равишда жарима солиш ҳолатлари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича 2004 йилда ўтган йилларга нисбатан ижобий силжишларга эришилган. Жумладан, вазирлик томонидан 2004 йилда Қонликўл, Қораузак, Беруний ва Чимбой туманларида комплекс ўрганишлар ўтказилган ва қонунбузилиш ҳолатлари бўйича чоралар кўрилган.

Лекин Қорақалпоғистон Республикасидаги мавжуд аҳволни ўрганиш шуни кўрсатадики, тадбиркорликнинг ривожланиши ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун давлат идоралари томонидан кўплаб тўсиқлар ва қўпол қонунбузилишлар давом этиб келаяпти.

Ушбу ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий муносабатларда қонунчиликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан 2003 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси номига киритилган тақдимномада кўрсатилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли “назорат варақа”лари очилиб, тақдимномада кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилиши таъминланган бўлсада, лекин қонунбузилишларга йўл қўйган шахсларнинг тегишли жавобгарликка тортилиши тўлиқ таъминланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан жорий йил давомида тадбиркорлик, шартномавий, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестицияларга оид ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жами 113 та тақдимномалар киритилган бўлиб, уларнинг барчасини ижроси таъминланган.

Лекин Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилаётган тақдимномалар ва уларнинг ижроси ўрганилганда айрим ҳолатларда қонунбузилишга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи очиқ қолдирилиб, тақдимнома муҳокамасида айбдор шахсларга нисбатан “камчиликлар кўрсатиб ўтилди”, “огоҳлантирилди” каби чоралар билан чекланиб қолинганлик ҳолатлари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан республикадаги мавжуд 44 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг “паспортлари”ни юритилиши таъминланган бўлса-да, лекин бугунги кунда мазкур хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг 6 таси фаолият юритмасдан келмоқда, қолган аксарият хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тўлиқ қувват билан ишламасдан келмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилмаганлигини ва бу борада кескин таъсир чораларини қўлланилмаётганлигини кузатиш мумкин.

2004 йилнинг ўтган 6 ойида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб 91 нафар фуқаролар мурожаат этган бўлса-да, бўлим ходимлари томонидан бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан атиги 2 та тақдимнома киритилган ва қонунбузилишга йўл қўйган шахсларга нисбатан тегишли таъсир чораларини қўлланилиши таъминланмаган.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатиб келаётган нотариал идораларнинг нотариуслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида айрим ҳолатларда камчиликларга йўл қўйилаётганлик ҳолатлари мавжуд.

Айрим нотариал идораларининг хоналари таъмирланмаган, мебел ва бошқа жиҳозлар эски ҳолатда. Идораларда хоналар етишмаганлиги сабабли 2-3 нафар нотариус (Тўрткўл, Тахиатош ва Нукус шаҳар 2-сон давлат нотариал идораларида) Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига зид равишда битта хонада фаолият кўрсатишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган нотариусларнинг барчаси (Нукус шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасидан ташқари) нотариуснинг фамилияси кўрсатилган муҳр билан эмас, балки эски намунадаги муҳр билан ишлаб келмоқда.

Шунингдек, нотариуслар томонидан реестр китобларини юритиш ва муҳрларни ишлатиш тартибларига риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилган, яъни икки ва ундан ортиқ нотариуслар мавжуд бўлган давлат нотариал идораларида битта реестр китоби тутилган ва битта муҳр ишлатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, давлат нотариал идораларининг “Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик тўплами”га обуна қилиниши таъминланмаган.

Қорақалпоғистон Республикасида ФҲДЁ идораларида иш юритилиши қониқарли даражада ташкил этилган бўлса-да, айрим ҳолатларда қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатлари мавжуд.

Шунингдек, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатга олиш бўлими томонидан рўйхатга олинган жамоат бирлашмаларининг таъсис ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирмаслик ҳолатлари мавжуд.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими ва туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллиги давомида суд ижрочилари бўлинмалари, суд ижрочилари ижро иш юритувига 4 млрд.723 млн. сўмлик 13097 та ижро ҳужжатлари келиб тушган бўлиб, ушбу сумманинг 1 млрд.507 млн. сўмлиги қонунда белгиланган асосларга кўра тугатилган бўлиб, жами ундирилиши лозим бўлган 3 млрд. 215 млн. сўмдан 2 млрд. 276 млн. сўми ёки 70,8 фоизи ундирилган.

Бундан ташқари, Департаментининг ҳудудий бўлими ва туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари томонидан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида” ги қонуни билан белгиланган муддатларга риоя этмаслик ҳамда белгиланган тартибни бузиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Юқоридагиларга асосан, адлия идоралари олдига қўйилган вазифаларни тўлиқ таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2004 йил 10 сентябрдаги Адлия вазирлигининг ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

**1.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар ҳамда хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишлари ***етарли даражада эмас деб баҳолансин***.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги иш фаолиятини яхшилаш учун ўтказилган ўрганишлар, сўровларда аниқланган ҳолатларни чуқур таҳлил қилиб, қонунбузилиш ҳолатлари кўплаб аниқланган соҳаларга алоҳида эътибор қаратсин;

**3.** Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ноқонуний текшириш ўтказган назорат қилувчи идораларнинг мансабдор шахслари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши таъминлансин.

**4.** Тадбиркорлик субъектларини асоссиз равишда маъмурий ва молиявий жавобгарликка тортиш ҳолатлари юзасидан ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

**5.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига тадбиркорлик субъектларига етказилган моддий ва маънавий зарарларни бевосита айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундириш чоралари етарли даражада кўрилмаётганлиги кўрсатиб ўтилсин. Ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан айбдор шахсларга нисбатан даъво аризалари киритиш чоралари кўрилсин.

**6.** Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг банкларда ўз маблағларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгилансин, қонунбузиш ҳолатларига йўл қўйган банк ходимларига нисбатан уларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган интизомий чоралар кўрилиши таъминлансин.

**7.** Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний жалб қилинганлиги ҳолатлари юзасидан ушбу маблағларни уларга тўлиқ қайтарилиши ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортилиши таъминлансин ва **2 ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот тақдим этилсин.

**8.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси “Ўзагромашсервис” уюшмаси, “Ўздонмахсулот” ва “Ўзпахтасаноат” компаниялари филиалларининг фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлари фойдасига кредиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрсин.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг “Ўздонмахсулот”, “Ўзпахтасаноат”, “Ўзагромашсервис”, “Ёғмойтамакисаноат” компания ва уюшмаларининг республика филиалларидаги шартномалар тузилишининг қонунийлиги ва уларнинг бажарилишини **2 ой муддат** ичида ўрганиб чиқсин.

**9.** Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик ва тўлиқ қувват билан ишламаслик сабаблари аниқлансин, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг доимий фаолият юритишига амалий ёрдам берилсин.

**10.** Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларини давлат рўйхатига олишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилсин ва **1 ой муддат** ичида уларни тўлиқ бартараф этиш чоралари кўрилсин.

**11.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги эътироф этилсин.

Бу соҳадаги фуқароларнинг мурожаатлари бўйича тўлиқ ва сифатли текшириш ўтказилиши таъминланиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларни тегишли жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан кескин чоралар кўрилсин.

**12.** Қорақалпоғистон Республикасидаги нотариал идоралари фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйилганлик ҳолатлари алоҳида муҳокама қилинсин ва **1 ой муддатда** уларни бартараф этиш чоралари кўрилсин.

Бошқарма бошлиғи **З.Азимова,** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири **Д.Халмуратовлар** Қорақалпоғистон Республикасидаги давлат нотариал идораларини моддий-техника жиҳатдан таъминлаш ва уларнинг қонуний фаолият юритишлари учун зарур шароитларни яратиш юзасидан **1 ой муддатда** чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

**13.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 19.08.1998 йилдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ҳақида”ги Низом талабларига қатъий риоя этилиши таъминлансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси номига киритган тақдимномасида кўрсатилган ҳар бир қонунбузарлик ҳолати бўйича алоҳида назорат карточкалари юритилиши ва қонунбузарлик бартараф этилиши, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқи тўлиқ тикланиши ҳамда айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарликка тортилишида зарур чора-тадбирларни кўриш ва йилдан йилга қонунбузарликни такрорлаб келаётган мансабдор шахсларни ишдан бўшатиш чораларини кўрилиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири шахсан масъул эканлиги уқтириб ўтилсин.

**15. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири Д.Халмуратовга** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳайъат мажлисида кўрсатилган камчиликларни **йил якунига қадар** бартараф этиш борасида зудлик билан тегишли чора-тадбирлар амалга ошириши кўрсатиб ўтилсин.

**16.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш **Департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи Қ.Сейитназаров** бўлим ва туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлинмалари томонидан суд ҳужжатларини ижро этишда йўл қўйилган камчиликларни тўлиқ бартараф этиш учун зарур чоралар кўрсин.

**17.** Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят адлия бошқарма бошлиқлари мазкур буйруқ билан таништирилсин.

**18.** Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Вазирнинг ўринбосари **Х.Содиқов** зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазири**
**А. ПОЛВОН-ЗОДА**

# МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК: ТАЛАБ ВА ЗАРУРАТ

***Адлия вазирининг 2004 йил 16 сентябр кунидаги 164-ум-сонли буйруғига асосан вазирликда «Маъмурий қонунчиликни ўрганиш бўйича» янги ишчи гуруҳи ташкил этилди.***

***Қуйида ушбу гуруҳ раҳбари Абдураҳмон Сафоевнинг гуруҳ фаолияти билан боғлиқ дастлабки мақоласи чоп этилмоқда.***

Маълумки, мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритиш, фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат идораларининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тартиблари амалдаги «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексда белгиланган.

Тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жаримага тортиш тартиблари эса Солиқ кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган бир қатор қарорларда ўз ифодасини топган.

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида мазкур соҳадаги қонун ва қарорларга бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилмоқда. Хусусан, Солиқ кодексининг 135-моддасида юридик шахсларнинг (шу жумладан, норезидентларнинг) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботи тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"**ги 357-сонли қарорида солиқ идоралари икки кун муддатда юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини бюджетдан ташқари пенсия, иш билан таъминлаш ва йўл жамғармасига суғурта бадаллари тўловчи сифатида ҳисобга қўйиши лозимлиги белгиланган. Бунда тадбиркор ўзи солиқ идорасига бормаган ҳолда солиқ тўловчи сифатида рўйхатга қўйилиши шарт.

Мазкур қарор билан Солиқ кодексининг 135-моддаси ўртасида жиддий тафовут юзага келгани сабабли Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар берилди ҳамда Солиқ кодексининг 135-моддасидан юридик шахслар (шу жумладан, норезидентлар) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгиловчи банд чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, айрим хорижий давлатларнинг солиққа оид қонунчилиги ўрганилганда, уларда молиявий жазо чораларини қўллашни истисно қилувчи, жазо чораларини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқ белгилаб қўйилганига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимиз Солиқ кодекси ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда эса солиқ идоралари томонидан молиявий жазо чораларини қўллаш ишларини кўриб чиқиш тартиби, молиявий жазо чораларини қўллашни истисно қилувчи, жазо чораларини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар, қарорларни ижро қилиш тар-



тиби ва муддатлари, қарорни ижросини тўхтатиб туриш каби муҳим томонлари белгиланмаган.

Натижада амалиётда молиявий жазо чораларини қўллаш масаласи турли тартибда кўрилиши ҳамда тадбиркорларга унча оғир бўлмаган камчилик учун ҳам жуда катта миқдорда молиявий жазо чоралари қўлланиши ҳолатлари учрамоқда. Масалан, Яккасарой туманидаги "Ал-Абдуқаҳҳор" хусусий корхонасига туман солиқ инспекцияси томонидан корхона хазинасида атиги 38 сўм ортиқча пул сақлангани учун энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

**«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 250-моддасида темир йўл транспорти Давлат санитария-эпедемиология назорати Марказларига ушбу кодекснинг 53 ва 123-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш ваколати белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сонли қарорига асосан темир йўл транспорти ДСЭНМлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтиёрига ўтказилган.

Шундан сўнг темир йўл транспорти ДСЭНМлари **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 257-моддасига асосан иш юритиб, ҳуқуқбузарларга мазкур кодекснинг 53, 54, 85-89, 95, 96, 178-моддалари бўйича ҳам жарима солиб келган. Бунга темир йўл транспорти ДСЭНМларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколат доираси ўзгармагани ҳамда бу ҳақда тегишли ўзгартиришлар киритилмагани сабаб бўлган.

МЖтКнинг 257-моддасига асосан иш юритиш сув транспорти портлари ва сув йўллари участкалари бош санитария врачларига ваколат берилган. Темир йўл транспорти ДСЭНМларига эса бундай ваколат берилмаган.

Бундан ташқари, МЖтКнинг 250-моддасига асосан темир йўл транспорти ДСЭНМлари содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун фақат энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга.

Бироқ уларга ушбу моддага асосан МЖтКнинг 53-моддаси бўйича ҳуқуқбузарга жарима солиш ваколати берилган бўлиб, бу икки моддада белгиланган жарима миқдорлари бир-бирига зид келади. Чунки темир йўл транспорти ДСЭНМлари МЖтКнинг 250-моддасига асосан фақат энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солиш ҳуқуқига эга бўлгани ҳолда 53-модда бўйича фуқарога энг кам иш ҳақининг бир

**Muammo va yechim**

бараваридан ўн бараварига жарима солиш мантиққа тўғри келмайди.

Шу сабабли келгусида **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодексидаги ушбу тафовутлар бартараф этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 245-моддасига кўра шахс ҳуқуқбузарлик фактини инкор этган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳар қандай иш унинг кўриб чиқилиши қайси ваколатли давлат идорасига (мансабдор шахсга) тааллуқлилигидан қатъи назар, судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"**ги 26-сонли қарорининг 13-бандида ҳам бу ҳолат баён этилган.

Бироқ амалиётда Давлат автомобил назорати инспекторлари ва солиқ идоралари томонидан мазкур модда талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари учрамоқда.

Бундан ташқари, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан йилнинг маълум бир ойида бир хўжалик юритувчи субъекти фаолиятини бир неча, яъни солиқ, ёнғин хавфсизлиги, ДСЭНМ, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Қўмитаси ва «Ўздавстандарт»нинг ҳудудий бошқармалари ёки бошқа назорат қилувчи идоралар томонидан текширилиши белгиланган.

Табиийки, бу идоралар хўжалик юритувчи субъект фаолиятида бирон-бир камчиликни аниқласа, унинг раҳбарини тегишли асослар бўйича маъмурий жавобгарликка тортади. Натижада бир раҳбар ёки ходимга бир ой ичида 4-5 марта жарима солинади ва бу ҳолат эса ўз навбатида турли салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Шу сабабли бундай ҳолатларда барча маъмурий ишларни ўша хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатаётган туман ёки шаҳардаги назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялари бирлаштириб, сўнгра кўриб чиқиш учун судга юбориши мақсадга мувофиқдир.

Бундай ҳолда суд маъмурий ишларни МЖтКнинг 34-моддасида белгиланган тартиблар асосида кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарга адолатли жазо чорасини қўллаш имкониятига эга бўлади.

**Saylov qonunchiligi**

# САЙЛОВ: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***



*Мисол учун сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярми ва яна бир сайловчи маълум бир номзодга овоз берган бўлса, бу номзод депутатликка сайланган ҳисобланади.*

**САВОЛ: Бўшаб қолган ўринларга қонунчилик палатаси депутатларининг сайлови қандай тартибда ўтказилади?**

**ЖАВОБ:** *Марказий сайлов комиссияси айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек, депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда тегишли сайлов округларида янги сайлов ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов ўтказилишига камида бир ой қолганида тайинланади ва ушбу қонуннинг талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади. Бунда округ сайлов комиссияси сайловга йигирма беш кун, участка сайлов комиссиялари эса ўн беш кун қолганда тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўн беш кун қолганда тугалланади.*

*Қонунчилик ваколат муддатининг тугашига олти ойдан кам вақт қолганида қонунчилик палатаси депутатининг ўрни бўшаб қолса, бўшаб қолган ўринга янги депутат сайлови ўтказилмаслиги мумкин.*

**САВОЛ: Олий Мажлиснинг Сенатини шакллантириш тартиби сайлов қонунчилигида қандай белгиланган?**

**ЖАВОБ:** *Олий Мажлис – Парламентнинг юқори палатаси ҳисобланган Сенатни шакллантириш тартиби янги таҳрирдаги "Олий Мажлисга сайлов тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган. Унга кўра, Сенат, яъни ҳудудий вакиллик палатаси Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси (6 та), Тошкент шаҳри (6 та) ва ўн икки вилоят (12 ни 6 га кўпайтирсак – 72 та), демак, 6+6+72 тенг 84 нафар сенатор Сенатга сайланади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар ичидан ўн олти нафар шахсни Сенат аъзолигига тайинлайди. Сенатнинг таркиби 84 нафар сайланган ва 16 нафар тайинланган шахслардан иборат бўлади.*

*Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.*

**САВОЛ: Сенатга сайлов ўтказиш муддатлари қандай белгиланган?**

**ЖАВОБ:** *Сенатга сайлов ўтказиш муддати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин, бир ойдан кечиктирмай ўтказилиши лозим.*

**Рукн учун масъул юридик фанлари номзоди Шухрат РАСУЛОВ**

**Tahlil**

# ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят қилиш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулини танлаш имкони берилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахснинг жазо муқаррарлигини нечоғлик англашига боғлиқ.



Ана шу тамойил жиноий жазоларнинг либераллаштирилишига асос вазифасини ўтайди. Мазкур тартиб суд амалиётига жорий этилгунга қадар Жиноят кодексига кирувчи 40 та туркумдаги жиноятларнинг 86 таси ёки 18,7 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган қонунбузарликлар ташкил қилган бўлса, ҳозирда жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлардир.

Бундан ташқари, қонунчиликка иқтисодиёт билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва судда етказилган зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш амалиётининг кириб келиши фуқароларни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имконини берди.

Муқаддам ўтказилган суд жараёнларида қўшкўпирлик Баҳодир Қаландаров, урганчлик Ўктам Отажонов, гурланлик Мўминбой Қурбоновлар зиммасига давлат ва фуқароларга кўп миқдорда моддий зарар етказилгани хусусида қўйилган айб тўлиқ исботланиб, судланувчилар турли муддатларда озодликдан маҳрум қилинган эди. Буни судланганларининг ўзлари ҳам тан олишган ва содир этилган жиноятга иқрорлик билдиришган. Жамият қонунларини четлаб яшаш ва уни бузишга мойилликнинг салбий оқибатларини улар пировардида аниқ тушуниб етишди ҳамда етказилган иқтисодий зарарни тўлиқ қоплашди. Шундан сўнг уларга нисбатан қўлланилган жазо чораси бекор қилинди.

Бундан ташқари, қонунчилигимизга жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилгани ҳам яхши самара бермоқда. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, айбига иқрорлик билдирса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тугатади.

Мисол учун айтсак, урганчлик Ҳамидбек Ражабов, Шуҳрат Каримов, Комил Ниятов, Рўзимбой Ашуров Жиноят кодексининг 66-1 (прим) моддаси талабларига мувофиқ ва ярашилгани муносабати билан жазодан озод этилди. Суд қонун талаби асосида халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилик намуналарини кўрсатди. Жиноят кодексига киритилган энг сўнгги ўзгартишга кўра, кечирилиши кўзда тутилган хатти-ҳаракатлар доираси яна бир мунча кенгайтирилади. Бу ҳам қонунларимизда ўз ифодасини топган бағрикенглик, инсоний диёнат ва меҳр оқибатнинг яққол намунасидир.

Биргина Хоразм вилояти бўйича ўтган йилнинг 6 ойи мобайнида 163 нафар шахсга нисбатан 152 та жиноят иши тарафларнинг ярашгани туфайли ҳаракатдан тугатилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 6,9 фоизга ошди, яъни 175 нафар шахсга нисбатан қўзғатилган 166 та жиноят иши ярашув институти орқали ҳаракатдан тугатилди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, суд бугунги кунда ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил ҳокимият тизимидир.

**Султонмурод ХЎЖАМУРОДОВ, Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг раиси**

**Taassuf**

***Уни туманда кўпчилик яхши танийди. Ширинсухан, хушмуомалалиги шифокорлик касбига ярашиб тушган. Келишган, қадду-қоматдан ҳам худо берган. Шу боис минг истиҳола билан "қаҳрамонимиз"нинг исм-шарифини ўзгартиришга жазм этдик. Қисқаси, Фазлиддин Нарзуллаевич бундан икки йил бурун тоғ бағридаги хуш ҳаво маскан — вилоят асаб касалликларини қайта даволаш шифохонасига бош врач вазифасига тайинланганда, унга ишонч билдирганлар ҳам, шифохона жамоаси ҳам хурсанд бўлишган эди.***

# СЎНГГИ ПУШАЙМОНЛИК...

Ахир, бу шифохона вилоятда ягона бўлиб, нақ тоғнинг бағрида, тошдан-тошга урилиб оқаётган анҳор ёқасида, сўлим дов-дарахтлар қўйнида жойлашган, бунинг устига қўли енгил шифокорларининг тинимсиз саъй-ҳаракати билан не-не чатнаган асабларни юмшатиб, жонга оро киритгани учун ҳам машҳур эди. Айниқса, ёз фаслида бу масканнинг ҳар бир қаричи қадр-қимматли бўлишини дам олганлар яхши билади. Очиғи, Фазлиддин ака аввал-бошида яхши ишлади. Унчалик ялқов ва дангаса ҳам эмасди. Орадан биттагина баракали ёз ўтди-ю, бош шифокор ва унинг ишонган одами — шифохона бош ҳисобчиси Абдусалим Мамадиевдан жамоа аъзолари гоҳо шивир-шивир тарзида, гоҳо ошкора норози бўла бошлади. Бора-бора бу норозилик шикоят хатларига айланди.

Нега?

Чунки одамлар вақтида иш ҳақларини ололмаётган, шунингдек, ишловчи оналар фарзандлари 2 ёшга етганча тўланадиган нафақа пуллари, касаллик варақаси, меҳнат таътили учун берилиши лозим бўлган ҳақ пайсалга солинаётган эди. Ходимлар сўраб-суриштирганда эса бош шифокор ва ҳисобчи "ҳисоб рақамимизда пул йўқ", деган баҳонадан нарига ўтмасди. Ҳар нарсанинг чек-чегараси бор. Ёзишмалар тегишли ташкилотлар манзилига етиб боргач, бошлиқ ва бош ҳисобчининг икки йиллик фаолиятини текшириб кўришга тўғри келди. Қўшни Шаҳрисабз тумани молия бўлими тафтишчи инспектори ва аудитор томонидан текшириш ўтказилганда, икки бошлиқнинг айблари "ғовлаб" кетгани аён бўлди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

**Jamiyat maqsadi**

# СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАК ШАРТИ

— Юраклар туғёни, эҳтирос ва ҳис-туйғу, дўсту дугоналарнинг ҳою ҳавасла боқишлари — бу ҳали оиланинг мустаҳкамлиги, пишиқлиги эмас, — дейди Мирзачўл тумани ФҲДЁ бўлими мудираси Бахтигул Имонова. — Чунки ҳаёт сўқмоқлари хилма-хил. Унда нафақат шоду хуррамлик, балки турли тўсиқлар, ташвишлар ҳам йўқ эмас. Афсуски, оила шаклланаётган пайтда айрим ёшлар бунга унчалик эътибор беришмайди. Ана шундай дамларда уларга кексаларнинг панду насиҳатлари асқотади.



Аслида ҳаётда турмуш қуриш, ўзидан фарзандлар қолдиришга барча фуқаролар ҳақли. Бироқ соғлом зурриёд қолдириш, эртанги кунимизнинг бахтиёр авлодларини тарбиялашда эру-хотиннинг соғлиғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис жорий йилдан бошлаб, оила қуришдан олдин никоҳ ёшига тўлган ва никоҳдан ўтишни ихтиёр этганларнинг тиббий кўрикдан ўтиши шарт қилиб қўйилди. Хусусан, Мирзачўл туманида шу йил ҳисобидан қайд этилган 141 та никоҳ тиббий кўрик хулосаси асосида расмийлаштирилди.

Шу ўринда тиббий кўрикдан ўтишнинг моҳиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки айни пайтда экологик муҳитнинг ўзгариши, озиқ-овқат маҳсулотларидаги концентрацияларнинг меъёрдан ортиқ ишлатилиши натижасида турли касалликлар келиб чиқмоқда. Айниқса, ичкиликбозлик, чекиш ва гиёҳвандлик каби иллатлар туғилажак зурриёдларга салбий таъсир кўрсатиши ҳеч кимга сир эмас. Хуллас, тиббий кўрик жараёнида никоҳланувчиларнинг психологик, наркологик, тери-таносил ва сил касалликларига чалинмаганига алоҳида эътибор берилади.

ФҲДЁ бўлимимиз қошида ташкил этилган "Оила" дорилфунунида бу каби масалалар ҳар томонлама муҳокама этилмоқда. Бу ўқув, тарбиявий курсида никоҳдан ўтиш учун ариза берганларга жинсий ҳаёт тарзи, оилада жинсий гигиенага риоя қилиш, касалликлардан сақланиш тўғрисида ўқув машғулотлари олиб борилаяпти. Шу билан бирга Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"**ги қарори мазмуни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Дарҳақиқат, оила муқаддаслиги тўғрисидаги тушунча ёшлар онгига гўдаклигиданоқ сингдирилиши лозим. Бунинг учун аввало, ота-оналар, маҳалла-кўй масъулдир. Ёш келин-куёвларнинг бир-бирларини ҳурмат қилиши оиладаги тарбиядан, муҳит ва шароитдан келиб чиқади. Соғлом ота-онадан соғлом зурриёд туғилиши табиийдир.

Зеро, соғлом авлодни тарбиялаш буюк келажак шартидир.

**Доногул ЖЎРАЕВА, журналист**

**Jahon tajribasi**

# ДАВЛАТ АЙБЛОВИ

***Ҳар қандай давлатда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи, қонунлар бузилганда айбдорларни таъқибга олиш вазифаси қонун ҳимоячиларига юклатилган. Бундан кўринадики, судда айбловни қўллаб-қувватлаш прокуратуранинг вазифаси ҳисобланади.***

Францияда прокурор процессда тараф ҳисобланмайди. Яъни ЖПКнинг 32-моддасига асосан, прокурорга нисбатан "тараф" деган тушунча татбиқ этилмайди. Демак, суд прокурорга тараф сифатида қарамайди. Хусусан, прокурорга санкция қўллай олмайди. Прокурор судланувчи ва гувоҳларга сўроқнинг ҳар қандай босқичида судья билан бир қаторда савол бериши мумкин.

Германияда ҳам мазкур ҳолатга амал қилинади. Бу мамлакатда ҳам прокурор судга тараф сифатида қатнашмайди, балки объектив ҳақиқатни аниқлаш ва қонунларни тўғри қўллашни таъминловчи ҳокимият ҳисобланади.

Айрим мамлакатларда прокуратура жиноий таъқиб қилишнинг давлат айбловини қувватлаш шакли билан бирга қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириладиган давлат идораси ҳамдир. Прокурор судда давлат вакили сифатида иштирок этади. Шунинг учун қонунсиз ва асоссиз айбловни қувватламайди, айбловдан воз кечади, процесс иштирокчилари томонидан йўл қўйиладиган процессуал хатоларга бефарқ қараб тура олмайди. У ўзининг конституциявий вазифасидан келиб чиқиб, йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолларига суднинг эътиборини қаратади ва бу билан қонун талаблари бажарилишини таъминлаш вазифасини амалга оширади.

Шунга ўхшаш иш услубини Ғарбий Европа мамлакатлари тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Германия ЖПКнинг 160-моддаси талаби бўйича, прокурор нафақат судланувчининг ҳаракатларини оғирлаштирувчи ҳолатларни, балки енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳам аниқлаши шарт. Бошқа бир қатор мамлакатлар судларида айбловларни прокурор билан бирга бошқа шахслар ҳам қувватлашга йўл қўйилади. Мисол учун Италияда жиноят ишлари бўйича прокурорнинг тавсияномасига кўра, бошқа давлат хизматчилари, яъни полиция ходимлари ҳам айбловни қувватлашлари мумкин. Буюк Британия ва Ирландияда оммавий таъқиб қилиш хизмати ходимлари айбловни қувватлайдилар. Ирландияда бу хизмат ходимлари жиноят ишлари бўйича айбловни "халқ номидан" амалга оширади. Полиция ва хусусий шахслар эса участка судларида кичик ишлар бўйича айбловни қувватлайдилар. Канадада магистратлар судларида айбловни хусусий шахслар қўллашади. Лекин Федерациянинг бош атторнейи ёки ҳудудий атторней суд маҳкамасининг ҳар қандай босқичида хусусий шахс томонидан қўлланилаётган айблов бўйича кўрилаётган жиноят ишини вақтинча тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Атторней хизмати вакили сифатида шу иш билан доимий шуғулланувчи махсус юрист ёки хусусий амалиётчи адвокат айбловчи сифатида иштирок этиши мумкин. АҚШда эса давлат айбловчисининг вазифаси атторней хизматига юклатилган. Атторней юқори суд ва қонун вакили сифатида ўз фаолиятини амалга ошириш баробарида судлов фаолиятига кўмаклашади. Шунингдек, АҚШда прокурор фақат жиноят процессида давлат айбловчиси (атторней) — ҳукуматнинг вакили сифатида иштирок этади. Унинг вазифаси объектив ҳақиқатни аниқлаш эмас, балки айбловни қўллашда ютуққа эришишдан иборат. Атторней давлат номидан жиноят иши қўзғатади, қонунбузарларни тергов қилади, судда айбловни қувватлайди.

Атторней хизмати, ўз ваколатига кўра, полиция томонидан тўпланган далилларни суд муҳокамасида фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслигини таҳлил қилиб, уларга тегишли баҳо беради. Далилларни тўплашда қонунсизликка йўл қўйилган бўлса, бундай далилларни ҳақиқий эмас, деб топиш мумкин. Ушбу масалада атторней хизмати вакиллари полиция фаолияти устидан тўлиқ назоратни амалга оширади. Австралияда судларда жиноят ишлари бўйича айбловни амалга оширадиган атторней хизмати вакиллари жуда катта ваколатларга эга. Улар судда ҳар қандай жиноят иши бўйича айбловни қўллаб-қувватлашни давом эттириш ёки иш бўйича тўпланган далилларни етарли эмас деб ҳисобласа, жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиши мумкин. АҚШ ва Австралияда атторней хизмати ходимлари бевосита давлат номидан фаолият кўрсатади, давлат номидан қонун бўйича айбловни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун уларни давлат айбловчиси деб аташ мақсадга мувофиқдир.

**Шуҳрат САГАТОВ, ҳуқуқшунос**

**Ajab savdolar**

# ҚОҒОЗДАГИ ФИРИБГАРЛИК

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Аслида эса фермер хўжалигига ажратилган кредит аллақачон ўз "фаолиятини" бошлаб юборган, у бошқаларнинг ҳожатини чиқараётган эди...

Ўшанда фермер хўжалиги раҳбари Ҳошимжон отадан олинган, имзо қўйиб, муҳр босилган қоғозларнинг бири — тўлов топшириқномаси эди. Кейинчалик Ғуломжон Умрзоқовнинг ўзи ҳам тўлов топшириқномасига имзо чекиб, 1-тартиб рақамини ёзиб **"шартномага асосан трактор сотиб олиш учун"** деган сохта ёзув киритди-да, "Рамазон" фермер хўжалиги ҳисоб рақамида бўлган 5 миллион сўм пулни 2003 йил 30 август куни "Наврўз" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборди...

Бу фирибгарликдан мутлақо бехабар бўлган фермер хўжалиги раҳбари ҳамон кредит олиш умидида банкка қатнар эди...

«Мен туманда "Наврўз" номли фермер хўжалиги борлиги ҳақида ҳеч қачон эшитмаганман", деб ёзади Ҳошимжон ота Қобулов ўз кўрсатмасида. Бироқ банк ходими Ғуломжон Умрзоқов ўша куннинг ўзида 16-сонли тўлов топшириқномасини расмийлаштирди. Кейин "Наврўз" фермер хўжалиги муҳрини босиб, унинг бошлиғи Иброҳим Қаҳҳоровга ҳам алдов йўли билан имзо қўйдириб олди. Тўлов қоғозига "шартномага асосан олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун" деган сохта ёзувлар киритилиб, "Наврўз" фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан "Садаф-М" деҳқон хўжалиги ҳисобига 4 миллион 950 минг сўм маблағ ўтказиб юборилди. Ушбу тўлов топшириқномасига ҳам Ғуломжон Умрзоқов имзо чекди.

— Банкка келганимда Ғуломжон мендан фермер хўжалигимнинг муҳрини сўраб олди. Баъзи ҳужжатларга муҳр босилмай қолиб кетган экан, босиб қўяман, деди. Сўнгра бир неча ҳужжатларни олиб чиқиб, улардан бир-икки донасига менга имзо қўйдирди, ўша вақтда қандай ҳужжатга имзо қўйганимни билмайман. Ғуломжонга ишонганим учун имзо қўйиб бераверганман. Кейин билсам, "Рамазон" фермер хўжалигидан менинг фермер хўжалигим ҳисобига 5 миллион сўм тушиб, банк ҳужжатлари учун 50 минг сўм ушлаб қолиниб, 4 миллион 950 минг сўм "Садаф-М" деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказилган экан. Аслида "Рамазон" ҳамда "Садаф-М" фермер ва деҳқон хўжаликлари бошлиқларини умуман танимайман, — дейди "Наврўз" фермер хўжалиги бошлиғи Иброҳимжон Қаҳҳоров.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, 4 миллион 950 минг сўм нега айнан "Садаф-М" деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказилган?

Коса тагида ним коса бор деганларидек, Ғуломжон Умрзоқов бу пулни яқин таниши Муҳаммаджон Ҳасановнинг ўғли номида бўлган "Садаф-М" деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборди. Кейин эса, улар ушбу маблағни бўлиб олишди. Хусусан, сохта тўлов топшириқномаси билан 125 минг сўм **"шартномага асосан бажарилган ишлар учун"** деб "Азиз" хусусий фирмасига, **"2002 йилда олинган маҳсулотлар учун"** деган сохта ёзувлар билан 8-сонли тўлов топшириқномаси асосида 3 миллион 250 минг сўм тадбиркор М.Умрзоқова ҳисоб рақамига ўтказилди. Бу ёғини сўрасангиз, "Садаф-М" деҳқон хўжалиги "Пахтабанк"нинг Марҳамат тумани бўлимидан 2001 йилда кредит олган эди. Ҳамтовоқлар текин пул ҳисобидан бир миллион 400 минг сўмни кредит тўлашга, 25 минг сўмни консалтинг хизмати ҳисобига, 135 минг сўм маблағни "Салмоқли" деҳқон хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказишди.

Буни қарангки, "Садаф-М" деҳқон хўжалиги ҳуқуқшунос Муҳаммаджон Ҳасановнинг ўғли Дилшодбек Насриддинов номида бўлса-да, унинг ишини ҳуқуқшунос отаси юргизаверган, банк ҳужжатларидаги имзоларни ҳам унинг ўзи қўйган. Ўғил бечора деҳқон хўжалиги очилгандан буён унинг ишига аралашмаган. Барча бухгалтерия ишларини ҳуқуқшунос отанинг ўзи бажарган. У "Пахтабанк"нинг Марҳамат тумани бўлимидан олган 1 миллион 900 минг сўм кредитни ёпиш учун Ғуломжон Умрзоқовга шерик бўлган.

Эътибор берган киши маблағнинг катта қисми — 3 миллион 250 минг сўми тадбиркор М.Умрзоқова ҳисоб рақамига ўтказилганини пайқайди.

Хўш, Маъмурахон Умрзоқова ким, деб сўраяпсизми? У — Ғуломжон Умрзоқовнинг турмуш ўртоғи. Бироқ Маъмурахон ҳеч қачон тадбиркорликнинг кўчасидан ўтмаган... Маъмурахоннинг айтишича, у ўз номида банкда тадбиркор сифатида ҳисоб рақами борлигидан умуман хабари бўлмаган. Ғуломжон Умрзоқов туман санитария-эпидемиология назорат марказида врач-эпидемиолог бўлиб ишлайдиган хотини номига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун 1909-сонли гувоҳнома олган ва барча ишни ўзи бажарган.

Шу тариқа бири банк бошқарувчиси, иккинчиси банк ҳуқуқшуноси бўлган ҳамтовоқлар хотини ва ўғли номига тадбиркорлик субъектини очиб олиб, кўзбўямачилик билан шуғулланган.

Халқимизда қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади, деган нақл бор. Яхши ният билан трактор сотиб олмоқчи бўлиб, кредит олган фермер охири тоқати тоқ бўлиб, мутасадди идорага ариза билан мурожаат этди. Унинг аризаси ўрганиб чиқилиб, банк ходимларининг қинғирликлари фош этилди. Унга ажратилган 5 миллион сўмлик кредит маблағи ҳамтовоқлар томонидан ўз ўрнига қайтарилди. Фермер ҳозирда трактор сотиб олиш тараддудида. Қинғирликка қўл урганлар эса энди қонун олдида жавоб бериши шубҳасиз.

**Бахтиёр ЙЎЛЧИЕВ, ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Mushohada

*Ҳаётий ҳақиқат фақат қонунлар ижросида намоён бўлади. Бинобарин, барча ҳатти-ҳаракатлар мезонини белгилаб берувчи қонунлар бизни ноқонуний ҳолатлардан тийиш баробарида шаънимизни, қадр-қимматимизни ҳам ҳимоя қилади. Мавжуд бўлган ва қабул қилинаётган ҳар бир қонун замирида ана шу мақсад мужассамдир. Сиз қонунни биласизми, ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қила оласизми, деган саволлар дафъатан жуда оддий туюлиши мумкин. Кимдир бу саволларга "ҳа" дейди, яна кимдир эса ўйланиброқ жавоб беради. Аслида қонунни билиш, ўз ҳуқуқини тушуниш ўзимиз учун кони фойда эканлигини барчамиз ҳам англаб етавермаймиз, англаб етганда эса унга амал қилавермаймиз. Натижада турли муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўламиз.*

# АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

Дўкондан нарса харид қилаётгандим. Қўшни бўлимдаги сотувчи билан харидор аёлнинг нимадир хусусида тортишаётгани эътиборимни тортди. Аёл куйиниб тушунтиришга уринар, сотувчи эса уни ҳатто эшитишни ҳам истамасди. Маълум бўлишича, харидор бир кун аввал фарзанди учун оёқ кийим сотиб олган ва у озроққина тор келиб қолган экан. Шуни алмаштириб беришни талаб қилаётганди. Сотувчи буни рад этиб "сиз балки бошқа дўкондан олгандирсиз. Биз сотган нарсамизга чек берамиз. Марҳамат, чекини кўрсатинг", — деди. Аёл ўз фикрини исботлолмай чорасиз қолди. Чунки у хариди учун олган чекни ўша заҳотиёқ ташлаб юборган экан.

Қўшнимиз нонвойлик билан шуғулланади. Бир куни ишдан қайтаётсам, унинг ҳовлисидан кимларнингдир баланд товушда гапираётганлиги эшитилиб турарди. Сабаби кейин аён бўлди. Ўша куни газ идорасидан келган вакил хонадон эгасининг газдан ноқонуний тарзда фойдаланаётгани ҳамда анчадан буён газ тўловларини амалга оширмаётганини айтибди. Қўшнимиз эса ҳар ой улардан келаётган бир кишига ўз вақтида айтган суммасини тўлаётганини, газдан фойдаланиш масаласида ҳеч қандай эътироз билдирмаганини таъкидлабди. Вакилнинг қани, тўлов қоғозини олиб чиқинг, деган сўроғига қўшнимиз ер чизиб қолаверди. Шундан сўнг ҳар иккала ҳолат учун жарима тўлашга мажбур бўлди.

Яқинда бир дугонам ҳасрат қилиб қолди. Унинг гапларига қараганда, холасининг тиллафурушлик билан шуғулланадиган қизи унга "агар пулини олдиндан берсанг, сенга жойидан ўз нархига, яъни устамасини қўймай тилла занжир олиб келиб бераман" деган экан. Анчадан буён шу мақсадда йиғиб юрган пулини, яъни 130 минг сўмни берибди. Айтилган муддатда хабар олгани борса, холасининг қизи ҳали бtorolганим йўқ, дебди. Анча фурсат ўтиб яна борган экан, "биласанми, пул жуда зарур бўлиб қолган эди, шунга ишлатдим. Сен ахир, ўзимникисан, илтимос, озроқ кутгин", деган жавобни олибди. Хуллас, ҳаш-паш дегунча орадан 2 йил ўтибдики, ҳамон на пулдан, на тилла зандирдан дарак йўқ. Тиллафуруш эса ҳеч тутқич бермасмиш. Ахийри, бир таниш адвокатига учраган экан, "пулни олганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганми?" — деб сўрабди. "Ахир, қариндошимдан қандай қилиб тилхат оламан, ишонганим учун шундоққина бергандим", дебди танишим. "Ундай бўлса, энди пулдан умидингизни узаверинг, агар ўзи инсоф қилиб бермаса, биз ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз", дебди адвокат.

Ҳаётда бу каби воқеалар кўп учраб туради. Ва буларнинг барчаси оддий сабабга бориб тақалади, яъни қонунларни, ўз ҳуқуқини билмаслик оқибатидир. Биз андишани ҳар нарсадан устун қўямиз. Айрим ҳолларда ана шу андиша туфайли ҳам ўз ҳуқуқимизни талаб қила олмаймиз. Лекин андишанинг отини қўрқоқ қўядиганлар, бизнинг соддалигимиздан фойдаланиб қолувчилар ҳам борлигини унутмасак, яхши бўларди.

Қонунлардан хабардор бўлган киши ҳеч қачон тўсиқларга учрамайди ва ноҳақликларга йўл қўймайди. Ортиқча муаммолар, беҳуда асаббузарликларнинг олдини олади. Демак, қонунларни қўллашдан, ўз ҳуқуқини талаб қилишдан сира чўчимаслик керак.

Зеро, тараққий этган демократик давлатлар тажрибасидан маълумки, ҳар бир фуқаро қонунларни яхши билиб, ўз ўрнида қўллай олса, ҳеч қандай адолатсизликка ўрин қолмайди. Бу оддийгина қилиб ҳуқуқий маданият деб аталади. Ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли инсон эса ўзи ҳам ташвиш чекмайди, ўзгаларни ҳам озор топишига йўл қўймайди. Шундай эмасми?

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Jinoyat olami

***Яширин уюшган ҳолда талон-тарожлик, босқинчилик билан шуғулланиш ҳеч қачон вақт ва жой танламаган, миллат ажратмаган. Бундай жиноий гуруҳ аъзоларини фақат битта мақсад — зўравонлик қилиб, бойлик орттириш, роҳат-фароғатда яшаш бирлаштириб турган. Уларнинг ана шу нопок мақсад йўлидаги қилмишлари ҳар доим дунёни ларзага солиб келган.***

# БУЮРМАГАН БОЙЛИК

**ҲАЙДАР ВА УНИНГ ҲАМТОВОҚЛАРИ**

... Аслида Ҳайдар Зокиров Татаристоннинг Қозон шаҳридаги кичик туманлардан бирида катта бўлган. Ушбу туманда асосан шаҳар ҳаётига ҳавас қилиб турли қишлоқлардан келган оддий ва камсуқум деҳқонлар яшар эди. Чиройли ва ихчам қурилган баракларнинг ҳар биттасида йигирматадан оила алоҳида-алоҳида хоналарга жойлашган эди. Ошхона умумий. Ҳожатхона ташқарида. Хуллас, мириқиб яшаш учун ҳамма шарт-шароит етарли. Айниқса, бундай осуда ҳамда бехавотир жой Ҳайдар ва унинг ҳамтовоқлари учун жаннатдек бир гап. Улар эрта тонгданоқ кўча айланиб юришарди. Вақти-вақти билан муштлашиб ўзларининг кимлигини кўрсатиб ҳам қўйишарди. Шундай муштлашувларнинг бирида Ҳайдар рақибига пичоқ санчиб, мағлуб этди ва бинойидек "иззат-ҳурмат"га ҳам эришди.

Ҳаёт шу тарзда давом этаверди. Уларга ҳеч ким халал бермагач, Ҳайдар Зокиров тез кунда гуруҳ бошлиғига айланди. Энг аянчлиси, унинг жиноий гуруҳида 9-10 ёшли болалардан тортиб, 20 ёшли йигитларгача бор эди. Ҳайдар Зокиров табиатан ўта шафқатсиз бўлгани учун ҳам ёшидан қатъи назар, гуруҳининг ҳар битта аъзосини ҳамёнида пичоқ ёки ўткир тиғли буюмлар олиб юришга даъват қилиш билан бирга уларнинг қўлини тез-тез қонга ботириб турар эди.

Унинг "Жилка" деб номланган гуруҳи дастлаб 1984 йилда жуда катта жиноятга қўл урди. 15 январ куни уюштирилган катта муштлашувда нақ 60 нафар ўсмир қатнашиб, тинч аҳолига кўпдан-кўп зарар келтиришди. Бу қонли тўполонга ҳам Ҳайдар Зокировнинг ўзи бевосита бошчилик қилди.

"Жилка" гуруҳининг ушбу қилмишидан Қозон шаҳри бутунлай ларзага тушди. Дўконларда, бозорларда, байрам сайлларида бу жиноий гуруҳ ҳақида турли миш-мишлар оғиздан-оғизга кўча бошлади. Кўп ўтмай Ҳайдар Зокиров қўлга олинди ва 6 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Озодликда юрган пайтларида мўмайгина даромадли бўлиб олган Ҳайдар Зокиров кейинчалик ҳам ёмон яшамади. Кучайтирилган режим, юзлаб назоратчилар қуршовида яшаса-да, Қозонда ўз фаолиятини давом эттираётган жиноий гуруҳни бошқариб турди.

Қамоқдан эсон-омон қайтган Ҳайдар Зокиров ўзи яшайдиган уйи ёнида ҳашаматли "Резеда" деб номланган ресторан барпо этди. Ресторанининг бешинчи қаватидан ўзига ётоқхона ажратиб, ундан тўғри биринчи қаватга тушадиган алоҳида лифт ўрнатди. Унинг қаллоблиги шу даражага етдики, кунига ўнталаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлиш ҳеч гап эмасди. Каллакесарлари сони эса йилдан-йилга ортиб бора бошлади. Ўз ўрнида уларни боқиш учун эса Ҳайдарга катта миқдорда пул зарур бўлар, у бу маблағларни асосан Қозон шаҳрида жойлашган дунёдаги энг бадавлат завод ҳисобланадиган "Қозон-оргсентиз", фототасма ва кинотасма ишлаб чиқарадиган "Тасма" заводларидан, шунингдек, Қозон вертолёт заводидан, Булгар–АвтоВАЗ корхонасидан, "Аяр", "Красный стекло" заводларидан, катта-катта бозор ва дўконлардан мажбурлаш йўли билан олиб турарди.

Текин даромад нафақат қопчиқни, балки қоринни ҳам қаппайтиради деганларидек, Ҳайдар Зокировнинг "иштаҳаси" янада очилди. 1992 йилдан бошлаб Қозондан Москвага томон юз бурди. Ҳаш-паш дегунча пойтахт шаҳарнинг шимолий қисмига ҳукм ўтказа бошлади. "Жилка" гуруҳининг жиноий қадами аста-секин Томбов, Перм ва Уралгача бориб етди. Йиллар давомида олиб борилган турли жиноятлари натижасида Ҳайдар Зокировга беш юзга яқин турли корхона ва ташкилотлар "бож" тўлашга мажбур бўлди. Жиноий тўда аъзолари яшайдиган жойда бир неча миллион АҚШ доллари сақланарди.

Жиноий гуруҳнинг бойлиги ортиб боравергач, қадамини янада кенгайтириш мақсадида Ҳайдар Зокиров Европадан ўзига ҳамтовоқлар излай бошлади. Ва бу мақсадига ҳам осонгина эришиб, Бельгиядан Россияга турли ўқотар қуролларни киритишга ва уларни сотишга киришди. Шуниси таажжубки, "Жилка" гуруҳи ҳар ойда меҳр-мурувват масаласи билан ҳам жиддий шуғулланар ва яқин ўртада жойлашган болалар уйига катта миқдорда пул ўтказиб туришни одат қилиб олди. Бунинг эвазига эса ҳеч кимга билдирмаган ҳолда худди шу мактаб-интернатнинг "пичоққа илинадиган" тарбияланувчиларидан ўзига муносиб "шогирд"лар тайёрлар эди.

Албатта, "Жилка" гуруҳининг бундай қилмишлари кўпчиликка ёқмас, оддий фуқаролар қўрқув ва даҳшатдан тишини тишига қўйиб яшашга мажбур эди.

1994 йилнинг кузида қаллоб Ҳайдар Зокиров "Яльчик" оромгоҳида "Жилка" гуруҳининг бошқа ҳудудлардаги энг ашаддий аъзоларидан алоҳида бир гуруҳ тузиб уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган давлат идоралари ходимларига қарши кураш олиб борди. Ўша замондаги россиялик қонундаги ўғри Виктор Михайлов (Амбал — лақаби) "Жилка" жиноий гуруҳини қўллаб-қувватламагани учун бешафқат ўлим топди. Уни даволанаётган жойида отиб кетишди. Буни ҳатто Викторни қўриқлаб турган милиция ходимлари ҳам сезмай қолишди.

Қонхўр қонга тўймайди, қонга тўйса ҳам жонга тўймайди деганларидек, "Жилка" жиноий гуруҳининг навбатдаги юриши Россия ўғрилари ва жиноий тўдалари ўртасида алоҳида эътиборга эга бўлган "Аждар" тўдаси томон бошланди. Бу тўданинг аъзолари 7 минг нафар эди. "Аждар"лар ўзига хавф солаётган Ҳайдар Зокировни уч бор ўлдиришга чоғланган, аммо буни эплолмаганди. "Жилка" гуруҳи "Аждар"га қарши икки йил давомида очиқча кураш олиб борди. Бироқ мақсадига эриша олмади. 1996 йилга келиб жиноий гуруҳнинг бошлиғи Ҳайдар Зокиров Санкт-Петербург шаҳрида ўлдирилди.

... Гуруҳ "каттаси ва асосчиси" Ҳайдар ўлдирилгандан сўнг унинг ўрнини 1997 йилда Ирек Менгазов эгаллайди ва у ҳам Ҳайдар бошлаб берган талончилик ва босқинчиликни давом эттирди. Бироқ Ирек негадир ўзини кимдир бешафқат ўлдиришини билар ва эҳтиёт чораларни ҳеч канда қилмасди. Лекин қилмишига яраша жазо шу деганларидек, Ирек Менгазовни ҳам Петербургдаги уйи олдида отиб кетишди.

Бугун Татаристоннинг Қозон шаҳрида тузилган ва ёвуз қилмиши билан кўпчиликни ларзага солган Ҳайдар Зокировнинг "Жилка" жиноий гуруҳидан асар ҳам қолмаган бўлса-да, барибир ундан жабру зулм кўрганлар ҳамон саросимада эканлиги рост. Тўда аъзоларидан баъзи бирлари қаерлардадир яшириниб, жавобгарликдан қочиб юрибди. Вақт ўтиши билан улар ҳам қўлга олиниши шубҳасиз. Аммо бўлиб ўтган воқеаларни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

**ЭГАСИГА БУЮРМАГАН ПУЛЛАР**

Аниқланишича, Ҳайдар Зокировнинг жиноий гуруҳи тугатилгач, бу тўданинг Австрия, Чехия, Польша, Венгрия банкларида миллион-миллион бойлиги қолиб кетган. Лекин ҳеч ким бу бойликларга эгалик қилишга журъат этолмаяпти.

...Шу йилнинг 27 сентябрида "Жилка" гуруҳининг 16 нафар аъзоси устидан суд бошланади. Уларга қандай жазо берилишини эса вақт кўрсатади.

**Хорижий материаллар асосидаНормурод МУСОМОВ тайёрлади**

Taassuf

# СЎНГГИ ПУШАЙМОНЛИК...

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Шундан сўнг тафтиш хулосалари жиноий қилмиш сифатида кўриб чиқиш учун судга оширилди. Жиноят ишлари бўйича Китоб туман суди бу ишни атрофлича кўриб чиқди. **"Асаб касалликларини қайта даволаш шифохонасида ўтказилган текшириш юзасидан 2002 йил 1 октябр кунидан 2004 йил 1 март кунига қадар ишчи ва хизматчиларга иш ҳақидан 790874 сўм, 2 ёшгача нафақа тўловларидан 685112 сўм, касаллик варақаси учун 232396 сўм, меҳнат таътили учун 258356 сўм тўловлар берилмаганлиги, бюджет ва нобюджет тўловлари ҳисобидан 3662532 сўм тегишли ҳисобларга тўлаб берилмаган. Ўтган йил 1 январдан жорий йилнинг 1 март ҳолатида вилоят бюджетидан смета бўйича молиялаштирилган 951,0 минг сўм кўзда тутилмаган мақсадларга сарфланган ва бюджет интизомлари бузилиб, давлат бюджетига зарар етказилган. Зарарни судланувчилардан ундириб, уларга нисбатан қонун доирасида чора кўришингизни сўрайман".**

Шунингдек, икки судланувчи ўз хизмат вазифалари юзасидан бажариши шарт бўлган ҳаракатларни қасддан бажармасдан Президентимизнинг 1995 йил 15 майдаги **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларини қўпол равишда бузиб, 15 та корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган жами 3337889 сўмлик дебитор қарзларни вужудга келишига ва шундан 10 та корхона ҳамда ташкилотлардан дебитор қарзларни муддати ўтиб кетишига йўл қўйган.

Судда ҳар икки шерик айбига тўлиқ иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймон эканини айтишди. Бироқ адолатли суд ҳукми қатъий бўлди. Фазлиддин Оллоёров ва Абдисалим Мамадиевларнинг ҳар бири 1088000 минг сўмдан жарима жазосига тортилди. Собиқ бош врач эса Жиноят кодексининг 45-моддасига кўра, қўшимча жазо — бир йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Қиссадан ҳисса шуки, мансаб — оромкурси эмас. Уни суиистеъмол қилиш охир-оқибат эл ўртасида юз қора бўлишига олиб келади.

**Отабек ТУРДИҚУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


Сокинлик
Ушбу сондаги суратлар муаллифи: А.ЖУМАЕВ

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Qing`irlik qiyig`i

Мамлакатимизда хукукий демократик тамойилларга таянган ҳолда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти инсон манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган. Бу ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган кўплаб қонун ва қарорларда ҳам ўз аксини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Болалик оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"**ги қарорлари ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Хўш, ушбу қарорлар ижроси қандай кечмоқда?

Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни айтиш жоизки, юртимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг асосийси, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар бугун ўтиш даврида ҳукуматимизнинг кўмагини юракдан ҳис этмоқда.

Шу билан бирга ҳаётга ана шу ёрдамга кўз олайтирадиган, ўзганинг ҳақини ўзлаштиришга уринаётган кимсалар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Мисол учун айтадиган бўлсак, Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган "Нодирабегим" маданият уйи раҳбари Рихсибой Мусабоев қонунга зид равишда "саховат" кўрсатган. У акаси Баҳром Мусабоевга иш ҳақи олаётгани ҳақидаги 2 та маълумотномани тўлдириб, олинмаган сохта иш ҳақларини кўрсатади ва бош ҳисобчи ўрнига ҳам ўзи имзо чекади. Қалбаки маълумотномадан фойдаланиб Баҳром Мусабоев фарзандлари учун маҳалла қўмитасидан 2003 йил бошидан шу йилнинг июл ойигача 96295 сўмлик нафақа пули олган.

Акмал Икромов туманидаги "ИНК" шуъба корхонасининг раҳбари Ниғмат Имомхўжаев ҳам мурувватни қонунбузарлик орқали амалга оширган. У яқин таниши Равшан Убайдуллаевга корхонада ишламаган ҳамда унга иш ҳақи ҳисобланмаган бўлса-да, 6 та қалбаки маълумотномаларни тайёрлаб беради. Бу "мурувват"дан хурсанд бўлган Р.Убайдуллаев маҳалла қўмитасидан ноқонуний равишда 2002 йил январидан шу йилнинг 1 августигача 180775 сўмлик нафақа пулини қуртдай санаб олади.

Шу туманда яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Рихсихўжа Убайдуллаев эса бундан-да, антиқа ишга қўл урган. Унинг айтишича, у Тошкент вилояти "Бошбекатлари ва йўловчи шоҳбекатлари" ишлаб чиқариш корхонасида ишлаши тўғрисидаги 3 дона қалбаки маълумотномаларни номаълум шахсдан сотиб олган ва уларни ўзи яшайдиган маҳалла қўмитасига тақдим этган. Ушбу сохта маълумотномалар асосида 95.736 сўмлик болалар нафақа пулини ўзлаштирган.

Халқимиз "текиннинг оши татимас", деган нақлни бежизга айтмаган. Қонунбузарликка йўл қўйган "саховатпеша"лар ҳам, уларнинг кўмагидан баҳраманд бўлиб, ҳеч қаерда ишламаса-да болалар нафақа пулини ўзлаштирганлар ҳам энди қонун олдида жавоб беришади. Бу ҳол бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

**М.ҒАНИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Charxi kajraftor

***Дунёда бир-биридан ғаройиб воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Айтайлик, ер юзидаги баъзи мамлакатларда одамлар исталган баҳонаи сабаб билан судлашаверади. Бунинг устига қонун ҳам кўпинча улар тарафида бўлади. Қуйида ана шундай антиқа суд можароларидан айримларини келтириб ўтмоқчимиз.***

# АНТИҚА МОЖАРО ВА ҲУКМЛАР

Калифорниялик Стелла Либак исмли хоним "Макдоналс" емакхонасидан ўтиб кетаётиб, ўзига қаҳва сўради. Унинг истагини дарҳол бажо келтиришди. Бироқ машинаси ўрнидан қўзғалаётганда, у қаҳвани тўкиб юбориб, тиззасини куйдириб қўйди. Ўзи айбдорда дейсизми? Ҳеч-да, Стелла "Макдоналс"ни судга бериб, нақ 2 миллион доллар ундириб олди. Сабаби — қаҳва ўта қайноқ бўлган эмиш...

* * *

Нью Жерсилик фуқаро қўшнисининг ҳовлисига берухсат кириб, гаражнинг устидан унинг сунъий ҳовузига калла ташлади. Қаронғки, ҳовузнинг чуқурлиги 1 метр экан. Оқибатда омадсиз сузувчининг калласи жиддий шикастланди. У томонидан қўзғатилган даъвони кўриб чиққан суд ҳовуз эгаси жавобгар, дея ҳукм чиқарди.

* * *

Коннектикутлик бир кимса тўйда сал ширакайф бўлиб қолгач, дўстига қўнғироқ қилиб уни олиб кетишнинг илтимос қилмоқчи бўлади. Телефондан гаплашаётиб бирдан мувозанатни йўқотади ва зинапоядан қулаб тушади. Жабрдийда телефон компаниясига қарши иш қўзғаб, жароҳатланганлиги учун 47.000 доллар товон ундириб олди. Нима ҳам деймиз, тағинам инсофли экан оғайнисига даъво қилмабди.

* * *

Касалхонада ётган вазни 105 килоли киши операциядан сўнг танасидаги жарроҳлик иплари олинмай туриб ошхонага боради ва нафси қонгунча таомлардан роса тановвул қилади. Бундай фавқулодда юкни танаси кўтаролмади шекилли, иплар ечилиб операция қилинган жой ўрадай очилиб қолади. Шундан сўнг "шўрлик" бемор уни тўйиб овқатланишдан қайтармаганлари учун касалхонани судга бериб, 250.000 доллар ундириб олди.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**
**тайёрлади.**

Jinoyatga jazo muqarrar

# ЁШЛИККА ХИЁНАТ

СУД ОЧЕРКИ

**I. "ТЎРТ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР"**

Меҳнат ва роҳат, меҳнат ва ҳузур-ҳаловат. Бу сўзлар маъно жиҳатдан турлича бўлса-да, улар орасида табиий боғланиш бор. Чунки дунёдаги барча шодлик, қувонч ва эзгуликлар замирида меҳнат ётади. Инсон ўзининг барча бойликларини меҳнат туфайли яратади.

Бироқ ҳаётда меҳнатдан бўйин тоблайдиган, унинг қадрига етмайдиган ёшлар ҳам учраб туради. Ҳатто навқиронлик пайтларида ичкиликка ружу қўяди. Ҳолбуки, бир донишманд **"Ёшлик — бу орзу, бу ишонч, бу жасоратга интилиш, бу истиқболнинг бошланиши"** деб айтганида минг бора ҳақ эди. Ичкиликка берилиш эса яхши фазилатлар эшигини тақатақ беркитиб, бемаъни иллатларга ланг очиб беради.

Шу йил апрелнинг сўнгги кунлари эди. Соат тахминан 23 лар. Олимжон Бобоқулов Бухоро шаҳридаги "Шарқ" автобекати олдидан ўтиб бораётган Фазлиддин Насруллаевни гапга солди.

— Нос борми, жўра, — деди у Фазлиддинга. — Бир чимдим отайлик.

Фазлиддин нос халтачасини унга тутқазди. Олим ширакайф эмасми, йўқ жойдан гап чиқариб, у билан тортишиб, ёқалашиб қолди. Фазлиддин қоча бошлади. Олим унга етиб олиб, бошининг орқа томонидан уриб йиқитди.

Олимнинг танишлари Жамшид Каромов, Бахтиёр Ҳолиқов, Карим Шарипов ҳам бу шовқин-сурондан хабар топишди.

— Нима гап, Олим, — деб сўради Бахтиёр кайфи тароқ ҳолатда.

— Анави олифта бола бироз пешхезлик қилди. Адабини бердим. Йигитдай олишмадиям. Мана, йиқилиб ётибди.

Хуморидан чиққанча отиб олган Жамшид, Бахтиёр, Карим ёрдамга муҳтож ҳолатда ётган Фазлиддин Насруллаевнинг чўнтагидан 15.000 сўм пулини олиб қўйишди. Кейин эса бу пулга арок ва салқин ичимликлар олиб маишат қилишди. Талончилик жиноятини содир этган 30 ёшга тўлмаган бу кимсалар йигитлик шаънига доғ тушириб, воқеа жойидан яширинишади.

Тезкор қидирув гуруҳи ходимлари саъй-ҳаракати билан "тўрт оғайни ботирлар" қилмишлари сиртмоғидан қочиб қутула олмади. Улар айбларига иқрор бўлишди.

Номигагина якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, ароққа салом бериб, ақли билан хайрлашганларга нисбатан суд адолатли ҳукм чиқарди.

Инсон бўлиб яшаш — юксак бахт. Одам ўз ожизлигини баъзан пайқамаса, меҳнатсиз турмуш умрга хиёнат эканини унутиб қўйса, у эзгулик, улуғликни орзу қилишдан мосуво бўлади. Содда таърифлайдиган бўлсак, инсон бўлиш — бу масъулият сезишдир.

**II. АҚЛЛИ-ЭЛ БОЛАСИ, АҚЛСИЗ...**

Бугун Қаҳрамон Алимбеков Ангрен шаҳрида яшовчи ота-онаси, ака-укалари бағридан узоқда. У темир панжаралар ортидан "макон" топган. Нега? Қайси қилмишлари учун?

Шу йилнинг 24 апрели. Соат миллари 03.30 ни кўрсатиб турарди. Тун бағрида тонг туғилиши вақти яқинлашаётган эди. Бухоро шаҳри кўчалари сукунат оғушида. Ҳадемай шариф шаҳар саҳарни қаршилайди. Эзгу орзу-умидларга, янги кунга пешвоз чиқади. Бироқ Қаҳрамоннинг ўй-фикри бежо эди. У Абдураҳмон Жомий номидаги кўчада жойлашган 32/1-сонли уй атрофида пайт пойлаб, безовталанарди. Қўлида уй эшиклари қулфини очиш учун пичоқ ҳам бор эди.

Тунги шарпа уйининг орқа томонига ўтиб, газ қувури орқали девор устига чиқди. Ҳовлига оёқ кийимисиз тушиб, эшик орқали хона ичига кирди. У ерда бир йигит ширин уйқуда ухлаб ётган эди.

— Хонада номаълум шахс юрганини, секин-аста оёқ босилаётганини сездим. Ўрнимдан чаққонлик билан туриб, унга ташланмоқчи эдим. Улгуролмадим. У кўкрагимга пичоқ билан урди. Олишув бошланди. Бўйнидан қаттиқ қисиб, қўлидаги пичоқни тортиб олдим, — деб кўрсатма берди суд тергови чоғида Марат Гафаров. — Устбошим қонга бўялган эди. Холамга зудлик билан милицияга телефон қилишни айтдим.

Қаҳрамон пичоқни отиб юбориб, кўчага қочди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг янги қурилаётган биноси ичига кириб, яширинди. Бироздан сўнг ҳеч ким сезмади, деб ҳарбий қисм ёнидан ўтаётганида шаҳар ИИБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олинди. Суд ҳукмига кўра Қаҳрамон Алимбековга нисбатан саккиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўйламай босилган қадам уни жиноят кўчаси сари бошлади. Йигитлик бурчини ўтаб, ёруғ юз билан Ангренга, ота-онаси, ака-укалари, қариндош-уруғлари бағрига қайтиш унга насиб этмади.

Ақл — инсонга ато этилган энг буюк инъом. У одамга ҳалол, пок, бегард яшаш учун берилган. Ақл амрига амал қилмаган одам йўлидан адашади, тубанликка юз буради. Ота-боболаримиз қадимда "ақлли-эл боласи, ақлсиз эл оласи", деб бежиз айтишмаган. Ақл билан иш тутилса, ҳеч ким жиноятга қўл урмайди, ҳалол меҳнат орқали эл орасида обрў-эътибор, қадр топади.

**Иброҳим ЖАББОРОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатларнинг Малака комиссияси томонидан Қарши шаҳар юридик маслаҳатхона адвокати Сауле Таджибоева Кўчқоровнага 1997 йил 2 июлда берилган KS 000054-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳақидаги лицензия бекор қилинди.**

**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 23 сентябр кунги қарори билан фуқаро Юсупов Шерали Хаидуллаевич номига берилган GZ 000101 серияли, 453 рақам билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинди.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 3 4 5 6